

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Малака ошириш институти

АХБОРОТНОМАСИ

№ 1 (14) 2025

Тошкент – 2025

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МАЛАКА ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

<i>Бош муҳаррир:</i> Олимжон АҲМЕДОВ	<i>Муассис: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти</i>
<i>Жамоатчилик Кенгаши таркиби:</i> Нуриддин НОРМАТОВ Баходир МАТЛЮБОВ Даврон НАЗАРМУҲАМЕДОВ Умидбек НУРУЛЛАЕВ	2025 йил – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, лотин, кирилл ёзувида чоп этилади. Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир. Журналдан кўчириб олинган манба кўрсатилиши керак. *** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Ахборотномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 20 майда №1630-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.
<i>Ҳайъат аъзолари:</i> Олимжон АҲМЕДОВ Улуғбек РАСУЛЕВ Карим НОРМАТОВ Жўрабой ТОШҚУЛОВ Фарход ХАТАМОВ Музаффар ТОЖИБОЕВ Меҳмонали СУВАНҚУЛОВ Эркин МАРУПОВ	
<i>Таҳририят:</i> <i>Масъул муҳаррир:</i> Карим НОРМАТОВ <i>Мусахҳих:</i> Рўзибуви ҚУРБОНОВА <i>Саҳифаловчи:</i> Маъруф РАҲМОНОВ <i>Дизайнер:</i> Нурмахан ТАСИМОВ	Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Малака ошириш институтининг Ахборотномаси” илмий-амалий журнали 2023 йил 15 июнда ОАК раёсатининг 339/6-сон ҳамда 2024 йил 28 июндаги ОАК Раёсатининг 356/5-сон қарорларига асосан юридик ва тарих, сиёсий ва фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан докторлари (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган миллий илмий наишрлар рўйхатига киритилганлигини маълум қилади.

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Жаҳон нотинч ва таҳликали замонда яшаётганимиз ва бундай хавф-хатарга қарши ҳамиша сергак туришимиз ҳамда зарба беришимиз зарурлиги ўта муҳимлигини қайд қиламиз.

Баҳор фасллар келинчаги, аёллар яшнаши ва яшариши – бу бунёдкорлик, яратилиш, дунёни безаш даври. Барчамиз учун устози бузруквор Оқилхон Салимов кўклам фаслини аёлга, онага, олам безалишига ўхшатади. Чунончи: *“Дунёда миллати, тили, эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, барча она бир-бирига ўхшайди. Онанинг тилини тушунамаслигиниз мумкин, лекин кўзларидан нима айтаётганини, фарзандига меҳрини, эзгуликка борини бахшида этишига тайёрлигини уқиб оласиз.*

Мен ҳар бир мунис ва меҳрибон ўзбек аёлига боққанимда, унинг тимсолида ўз онамни кўргандек бўламан. Хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, нигоҳлари волидамни эслатади. Дарҳақиқат, Ер юзидаги жамики оналарнинг жигарбандига бўлган меҳри эгиздир. Бу шундай бебаҳо туйғуки, қаишоқлик ёки бойликда, соғломлик ёки беморликда, қиш қаҳратонида, жазирама саратонда ҳам нўлатдек ўзгармасдир”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шундай таъкидлайди: *“Ҳозирги кунда турли минтақавий можароларда сунъий интеллект, робот, ракета, дрон ва уларга қарши курашиш, сунъий интеллект билан ишлайдиган кибертузилмалар, роботлашган техникаларни қўллаш ва ҳаво ҳужумидан мудофаа бўйича янги бўлинмаларни ташкил этиш зарурлиги”, – 2025 йил 21 февраль Хавфсизлик кенгашида кўрсатиб ўтилди”.*

Таҳликали нотинч дунёни ҳам оналар, опаларимиз бир мувозанатга олиб келишига қодирлигига тан бермай, ишонмай бўладими?!

Устозу шогирд – икки даҳо Худо ёрлақан шахслар фикри шунчалик бебаҳоки, бундай ҳолат дунёни асраса, дарвоқе, юртимизда бўлаётган жаҳоний тинч-тотув воқеа-ҳодисалар ҳам жамланиб, яъни, тинчлик, осойишталик давом этмоқда. Илоё шундай бўлсин, албатта.

Долзарб мавзулар

**MAMLAKATIMIZ MUDOFAA QOBILIYATINI
MUSTAHKAMLASHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR
VA SUN'IY INTELLEKTDAN KENG FOYDALANISH MUHIMDIR**

Prezident Shavkat Mirziyoyev 21-fevral kuni Mudofaa sanoati agentligining Innovatsion texnologiyalar markaziga tashrif buyurib, bu yerdagi ishlab chiqarish quvvatlari, ilg'or ishlanmalar, harbiy va ikki xil maqsadga mo'ljallangan mahsulotlar bilan tanishdi.

Armiya qobiliyatini mustahkamlashda harbiy xizmatchilarning professional tayyorgarligi bilan bir qatorda mudofaa sanoatini rivojlantirish muhim o'rin tutadi. Prezidentimiz tashabbusi bilan O'zbekistonda zamonaviy mudofaa sanoatiga asos solingani tarixiy ahamiyatga ega bo'ldi. Mudofaa vazirligi huzuridagi agentlik tomonidan qurol-yarog'larni modernizatsiya qilish, yangi texnologiyalarni o'zlashtirish va istiqbolli ishlanmalarni qo'shinlarda joriy etish bo'yicha tizimli ishlar amalga oshirilmoqda.

Innovatsion texnologiyalar markazida 80 ga yaqin harbiy va ikki xil maqsadga mo'ljallangan mahsulotlar ishlab chiqarilmoqda. Shuningdek, robototexnika va uchuvchisiz apparatlar bo'yicha startap loyihalari qo'llab-quvvatlanmoqda.

Tashrif chog'ida harbiy texnikaning yangi namunalari, mudofaa sohasini yanada rivojlantirish bo'yicha istiqbolli loyiha va rejalar taqdimot qilindi.

Davlatimiz rahbari bu birinchi qadamlar bo'lganini aytib, mudofaa tizimining raqobatbardoshligini oshirib borish bo'yicha ko'rsatmalar berdi. Ishlab chiqarishni muntazam takomillashtirib, yangi mahsulotlarni o'zlashtirish, bunda innovatsion texnologiyalar va sun'iy intellektdan keng foydalanish muhimligi ta'kidlandi.

Shu bilan birga, buyurtma asosida sohaga xususiy sektorni kengroq jalb etib, harbiy va ikki xil maqsadga mo'ljallangan mahsulot turlarini ko'paytirish bo'yicha topshiriqlar berildi. Yangi ish o'rinlari yaratish, mutaxassislarni tizimli tayyorlash, yangi texnikalar bo'yicha ilmiy laboratoriyalar tashkil etish masalalariga e'tibor qaratildi.

Ta'kidlash joizki, O'zbekiston mudofaa sanoati korxonalari xalqaro ixtisoslashtirilgan ko'rgazmalarda faol ishtirok etmoqda. Xususan, joriy yilning 17–21-fevral kunlari Abu-Dabi shahrida (BAA) bo'lib o'tayotgan "IDEX-2025" ko'rgazmasida mamlakatimizda ishlab chiqarilgan 100 dan ortiq harbiy texnika

va mahsulotlar namunalari namoyish etilmoqda. Xorijiy hamkorlarda katta qiziqish uygʻotgan "Arslon 8×8" va "Arslon 6×6" zirhli transportyorlar, "Toʻfon" oʻziyurar gaubitsasi shular jumlasidan.

Tashrif yakunida Prezidentimiz mudofaa sanoatini yanada rivojlantirishning strategik yoʻnalishlarini koʻrsatib, mutasaddilar oldiga mahsulotlarning yuqori sifatini taʼminlash, ishlab chiqarish salohiyatini kengaytirish va mahalliy korxonalarning xalqaro bozordagi oʻrnini mustahkamlash yuzasidan aniq vazifalar qoʻydi.

Shundan soʻng Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Qurolli Kuchlar Oliy Bosh Qoʻmondoni Shavkat Mirziyoyev raisligida Xavfsizlik kengashining davlat harbiy xavfsizligi va mudofaasini mustahkamlash masalalariga bagʻishlangan yigʻilishi boʻlib oʻtdi.

Majlisda Xavfsizlik kengashi aʼzolari, Oʻzbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tarkibiga kiradigan vazirlik va idoralar rahbarlari, okruglar qoʻmondonlari hamda joylardagi studiyalardan Qoraqalpogʻiston Respublikasi Joʻqorgʻi Kengesi va Vazirlar Kengashi Raislari, viloyatlar va Toshkent shahri hokimlari, shuningdek, mahalliy hokimiyat organlari masʼullari ishtirok etdi.

Yigʻilish avvalida mamlakatimiz mudofaa qobiliyatini mustahkamlash borasida qilingan ishlar va ularning natijalari hamda yoʻl qoʻyilgan ayrim kamchiliklar koʻrsatib oʻtildi.

Milliy armiyamiz zamonaviy qurol-yarogʻ va texnika bilan taʼminlanayotgani, harbiy xizmatchilarning jangovar va maʼnaviy tayyorgarligi sezilarli darajada oshgani qayd etildi.

Jahon tajribasi va tahlillaridan kelib chiqib, ichki va tashqi xatarlarning oldini olish va bartaraf etish boʻyicha yangi jangovar boʻlinmalar tuzildi, qoʻshinlar tarkibi optimallashtirildi.

Armiani modernizatsiya qilish va zamonaviy qurollantirishning yangi tizimi – mudofaa sanoati yanada rivojlantirilgani, qoʻshimcha korxonalar tashkil qilingani qayd etildi. Qurolli Kuchlarimiz tomonidan 20 dan ziyod mamlakat bilan ikki tomonlama harbiy hamkorlik yoʻlga qoʻyilib, 400 dan ortiq qoʻshma mashgʻulotlarda yuqori koʻrsatkichlarga erishilganligi aytib oʻtildi.

Qurolli Kuchlar tarkibidagi harbiy oliygohlarning infratuzilmasi toʻliq modernizatsiya qilindi, oʻquv dasturi va metodikasi bugungi kun talablariga moslashtirildi.

Harbiylar va ularning oila a'zolarini ijtimoiy-huquqiy himoya qilish ham kuchaydi. Jumladan, 30 mingga yaqin oila uy-joy bilan ta'minlandi, o'tgan yil davomida 2 mingdan ortiq harbiy xizmatchilarning farzandlariga oliy ta'lim muassasalariga o'qishga kirish uchun imtiyozlar berildi.

Vatan himoyachilariga sharoit yaratishda harbiy-ma'muriy sektorlar, davlat va jamoat tashkilotlari ham ishtirok etmoqda. Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, maktablarda ularni chaqiruvga qadar boshlang'ich harbiy tayyorlashga e'tibor kuchaytirilmoqda.

Yig'ilishda 2025-yil va kelgusi yillar uchun ustuvor vazifalar belgilandi.

Milliy armiyamizni rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlarini belgilashda zamonaviy qurolli mojarolar, xavfsizligimizga mavjud tahdidlar va harbiy harakatlar teatri xususiyatlarini hisobga olish zarurligi ta'kidlandi.

Hozirgi kunda turli mintaqaviy mojarolarda sun'iy intellekt, robot, raketa, dron va ularga qarshi vositalar keng qo'llanmoqda. Shundan kelib chiqib, qo'shnlarda dronlar va ularga qarshi kurashish, sun'iy intellekt bilan ishlaydigan kibertuzilmalar, robotlashgan texnikalarni qo'llash va havo hujumidan mudofaa bo'yicha yangi bo'linmalarni tashkil etish zarurligi ko'rsatib o'tildi.

Prezidentimiz, Qurolli Kuchlar Oliy Bosh Qo'mondoni tomonidan Qurolli Kuchlarimizning jangovar shayligini ta'minlash, jangovar tayyorgarlik ko'rsatkichlarini yanada takomillashtirish, sun'iy intellektga asoslangan qo'shnlarni avtomatlashtirilgan yagona boshqarish tizimini yaratish, harbiy ta'lim va harbiy kadrlarni tayyorlashda dual ta'limdan foydalanish lozimligi ta'kidlandi.

Armiyaning ustuni bo'lmish "Bosh serjantlar korpusi" faoliyatini takomillashtirish, mudofaa sanoatini yanada rivojlantirish, harbiy xizmatchilarni va ularning oila a'zolarini ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash va harbiy sport sohasiga yo'naltirish kabi muhim vazifalar belgilandi.

Yig'ilishda mudofaa vaziri, harbiy okrug qo'mondonlari va boshqa mas'ullarning hisobot hamda takliflari eshitildi.

**2025 йил 22 феврал,
ЎЗА**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI IKKINCHI JAHON URUSHI QATNASHCHILARINI RAG‘BATLANTIRISH TO‘G‘RISIDA

Mamlakatimizda 9-may – Xotira va qadrlash kuni umumxalq bayrami sifatida keng nishonlanishi, shuningdek, Ikkinchi jahon urushida halok bo‘lgan ajdodlarimiz xotirasini abadiylashtirish, bugun ham safimizda turib, Vatanimizning obro‘-e‘tiborini yuksaltirishga, yoshlarni ma‘naviy-axloqiy jihatdan tarbiyalashga hissa qo‘shayotgan faxriylarni e‘zozlash hamda Ikkinchi jahon urushida qozonilgan g‘alabaning 80-yilligi munosabati bilan urush qatnashchilari va nogironlarini, ularga tenglashtirilgan shaxslarni hamda, 1941–1945-yillardagi urush davridagi mehnat fronti qatnashchilarini moddiy rag‘batlantirish maqsadida:

2025. Bir martalik pul mukofoti belgilansin:

Ikkinchi jahon urushi qatnashchilari va nogironlarining har biriga 10 000 (o‘n ming) AQSH dollari miqdorida;

Ikkinchi jahon urushi qatnashchilariga tenglashtirilgan shaxslarning har biriga 25 000 000 (yigirma besh million) so‘m miqdorida;

1941–1945-yillardagi urush davridagi mehnat fronti qatnashchilarining har biriga 3 000 000 (uch million) so‘m miqdorida.

2. Mazkur Farmonni bajarish bilan bog‘liq bo‘lgan sarf-xarajatlar O‘zbekiston Respublikasining respublika byudjeti mablag‘lari hisobidan amalga oshirilsin.

3. Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari Mudofaa vazirligi, Davlat xavfsizlik xizmati, Ichki ishlar vazirligi, Milliy gvardiya, Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Madaniyat vazirligi, Ijtimoiy himoya milliy agentligi, O‘zbekiston mahallalari uyushmasi, Respublika Ma‘naviyat va ma‘rifat markazi, O‘zbekiston faxriylarining ijtimoiy faoliyatini qo‘llab-quvvatlash “Nuroni” jamg‘armasi bilan birgalikda Ikkinchi jahon urushi qatnashchilari va nogironlariga ushbu pul mukofoti tantanali hamda bayramona vaziyatda topshirilishini ta‘minlasin.

4. Mazkur Farmonning ijrosini nazorat qilish O‘zbekiston Respublikasi Bosh vaziri A.N. Aripov zimmasiga yuklansin.

**O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti
SH. MIRZIYOYEV,
Toshkent shahri
2025-yil 19-fevral,
O‘ZA**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ
БАЙРАМИГА БАВИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ
МАРОСИМДАГИ НУТҚИ**

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам фахрийлар, қадрли ёшлар!

Мунис опа-сингиллар, ҳурматли меҳмонлар!

Сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни қадимий ва ҳамиша навқирон байрам – Наврўзи олам билан чин юракдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги мунаввар кунни элу юртимиз билан тинч ва хотиржам кутиб олаётганимиз учун Яратганга чексиз шукроналар айтамиз.

Бу йилги Наврўз муқаддас Рамазон ойида, унинг табаррук фазилатларига уйғун ҳолда ўтаётгани байрамга алоҳида руҳ, ўзгача файз ва қувонч бағишламоқда.

Қалбларимиз шодликка тўлган шундай барокатли кунларда юртимиз мўмин-мусулмонларини, бутун ислом умматини Рамазони шариф билан яна бир бор қутлаб, жамики пок ниятларимиз ижобат бўлишини тилаймиз.

Хорижий мамлакатларда она юрт меҳри ва соғинчи билан яшаётган ватандошларимизни ҳам чин дилдан табриклаб, самимий тилакларимизни изҳор этамиз.

Шундай шуқуҳли ва улуғ кунлар барчамизга муборак бўлсин!

Қадрли дўстлар!

Наврўзи олам 3 минг йиллик давлатчилигимиз тарихида ўзининг беқиёс маънавий аҳамияти билан ҳамиша алоҳида эътибор топган буюк байрамдир.

Ушбу бебаҳо айём ҳақида битилган илмий-тарихий ва бадий асарлар шу қадар кўпки, улар ҳақли равишда миллий меросимизнинг ўлмас дурдоналарига айланган.

Халқимиз асрлар давомида оғир ва машаққатли, синовли пайтларда ҳам бу байрамни олижаноб табиати ва қадриятлари билан асраб-авайлаб келгани чинакам мўъжизадир.

Наврўзнинг бетакрор гўзаллиги, инсонпарварлик руҳи ва теран фалсафаси глобаллашув даврида ҳам бутун башариятни ҳайратга солаётгани унинг азалий моҳияти ва ҳаётбахш кучидан далолат беради.

Айниқса, инсоннинг табиат ва борлиқ билан уйғунлиги, яратувчанлик иштиёқи, ғайрат ва шижоати, ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ва саховат каби олижаноб фазилатлари Наврўз тимсолида янада ёрқин намоён бўлади.

Наврўз кунларида бобо деҳқонларимиз ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз қут-баракасини ўйлаб, она заминга ўз меҳрини беради, мўл ҳосил олиш ниятида қаттиқ бел боғлайди.

Шу маънода, Мир Алишер Навоий бобомизнинг “Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ билан ризқ йўлин очар” деган сўзларида чуқур ҳаётий маъно мужассам.

Кўнглимизда меҳнат ва ижод, уйғониш ва яшариш завқи тобора кучайиб бораётган мана шундай баҳорий лаҳзаларда миришкор деҳқон ва фермерларимиз, боғбон ва чорвадорларимизга алоҳида эҳтиром изҳор этамиз.

Ҳеч шубҳасиз, юсак бунёдкорлик руҳи Янги Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар ва жадал ўзгаришларнинг асл мазмуни ва эзгу ғояларига ҳамоҳангдир.

Бугун мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш йўлида қатъий қадамлар қўймоқдамиз.

Юртимизда кўплаб замонавий саноат мажмуалари, инфратузилма ва логистика тармоқлари, автомобиль ва темир йўллар барпо этилмоқда. Бизнес, “Ай-ти” ва туризм соҳалари жадал ривожланмоқда. Минглаб янги иморат ва уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳлар, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз қиёфаси тобора гўзал ва обод бўлиб бормоқда.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида диёримизда янги экологик муҳит яратилмоқда. Ҳар йили миллионлаб кўчатлар экиш, яшил боғлар барпо этиш, ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш каби юксак экологик маданий қадриятлар кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда.

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” давлат дастури доирасидаги улкан ишларимиз бу жараёнларни янада юқори босқичга олиб чиқишига аминман.

Маълумки, халқимиз қадимда Наврўзни *“йил боши”* деб атаган. Биз ҳам аждодларимиз каби шу ажойиб кунда яхши ниятлар қиламиз: *Шарқона Янги йилимиз қутлуғ келсин, дарёларимиз сувга, омборларимиз ҳосилга тўлсин!*

Бунёдкор қурувчиларимиз, азиз ва мўътабар устоз-мураббийларимиз, фидойи шифокорларимиз, иқтисодиётимиз таянчи бўлган ғайратли тадбиркорларимиз, юртимиз посбонлари ҳамиша соғ-омон бўлсин!

Олдимизга қўйган баланд марралар ва улуғ режалар тўлиқ рўёбга чиқсин!

Мухтарам юртдошлар!

Наврўз – ёшлик ва шижоат айёмидир. Ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимиз Янги Ўзбекистоннинг илғор ва қудратли кучига айланиб бораётганига барчамиз гувоҳимиз.

Азму шижоатли, истеъдодли фарзандларимизнинг дадил ва мардона ҳаракатлари бутун дунёда катта акс-садо бераётгани бизни бениҳоя қувонтиради.

Бугун мамлакатимиздаги юқори технологик корхоналарни бошқараётганлар – асосан билимли ва малакали ёшларимиздир.

Тадбиркорлик ривожига янги куч ва шиддат бераётган ҳам ақл-идрокли, серғайрат ва ишбилармон ўғил-қизларимиздир.

Сарҳадларимизда доимо сергак турган аскар ва офицерлар ҳам мард ва жасур ўғлонларимиздир.

Илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳаларида Ватанимизни дунёга тараннум этаётганлар ҳам ёшлардир. Хусусан, юртимизни жаҳонга машҳур қилишда ёш спортчиларимизнинг алоҳида ўрни ва ҳиссаси бор.

Халқимизга ҳар томонлама муносиб бўлган бундай навқирон авлодимизга шон-шарафлар бўлсин!

Азиз фарзандларим, сизлар Ватанимиз осмонида ёрқин юлдузлар бўлиб порлайдиган вақт келди. Бу улуғ мақсад йўлида мана шу Наврўз фаслида таваллуд топган Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Зулфияхоним, Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов каби мутафаккир зотлар сизлар учун чинакам ибрат намунасидир.

Юртимиздаги беқиёс имкониятларни амалий натижаларга айлантириш учун тинимсиз ҳаракат қилинг! Қаерда бўлманг, қайси соҳада ишланманг, миллий қадриятларимизга, ўзлгимизга, Ватанимизга муносиб ва содиқ бўлинг!

Ҳеч қачон унутмангки, ортингизда салкам 38 миллионлик буюк халқ, Президент турибди.

Сизларга доимо омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Наврўзнинг бетакрор сеҳру жозибаси, энг аввало, тўққиз ярим мингга яқин маҳалламизда ўтказилаётган халқ сайилларида, байрам тантаналарида ўз ифодасини топади.

Кўп минг йиллик анъаналар ва замонавий қадриятларимизни ўзида мужассам этган маҳалла тизимининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, турли муаммо ва масалаларни маҳалланинг ўзида ҳал этаётганимиз ислохотларимиз халқчиллиги ва натижадорлигини кескин оширмоқда.

Зеро, ёшлар тарбияси, осойишталикни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, ижтимоий ҳимоя ва хотин-қизлар фаоллигини кучайтириш, экология ва ободлик каби бири-биридан муҳим вазифалар маҳалла еттилиги тизими орқали самарали ечим топмоқда.

Маълумки, бу йил юртимизда маҳалла раислари сайловлари бўлиб ўтади. Халқимиз ушбу масъулиятли жараёнда фидойи ва ватанпарвар юртдошларимиз учун овоз беради, деб ишонаман.

Маҳаллаларни ҳар томонлама ривожлантириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, эртага – 22 март куни мамлакатимизда кенг нишонланадиган **Маҳалла тизими ходимлари куни** билан барча юртдошларимизни, маҳалла фаолларини самимий табриклаб, уларнинг шарафли фаолиятида улкан ютуқлар тилайман.

Қадрли ватандошлар!

Наврўз азалдан халқимизнинг миллий ва умумбашарий қадриятларга, дунёвий давлат тамойилларига, бағрикенглик, чин дўстлик ва ҳамкорлик ғояларига содиқлигининг яққол рамзидир.

Бу айём юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари учун севимли, том маънода умумхалқ байрамига айланган.

Мана шу қувончли лаҳзаларда бутун халқимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман:

бизнинг кучимиз – бирлик ва аҳилликда,

қудратимиз – Ватанга меҳр ва садоқатда,

ютуғимиз – ўзимизга бўлган юксак ишончимизда!

Наврўз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам сифатида эътироф этилгани бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Наврўзи олам ҳозирги кунда барча элу элатларни, жумладан, Марказий Осиё халқларини янада жипслаштирмоқда.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, бепоён минтақамизда яшаётган жамики соф ниятли инсонларни эл-юртимиз номидан қизғин табриклайман.

Том маънода дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик маконига айланаётган минтақамиз ҳамиша тинч бўлсин, ҳамиша гуллаб-яшнасин!

Шу ўринда минтақамизнинг ҳурматли зиёлилари, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт намояндаларига мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Азиз дўстлар, сизлар ноёб истеъдодингиз, ақл-тафаккурингиз билан азалий қардошлигимизни, муштарак қадрият ва урф-одатларимизни, эзгу интилишларимизни тараннум этадиган асарлар яратиб, ёшларимизни айна шу руҳда тарбиялашга ҳисса қўшсангиз, халқларимиз сизлардан албатта миннатдор бўлади.

Бундай баркамол ижод намуналари бугунги таҳликали даврда элларимиз, айниқса, ёш авлодларимизга мустаҳкам маънавий қалқон бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу ой охирида қадимий Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчиларининг уч томонлама учрашуви мана шу йўлда яна бир амалий қадам бўлади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрамимизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларини, барча дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари халқаро Наврўз куни билан самимий қутлаймиз.

Мамлакатларингиз ва халқларингизга дўстлик саломини йўллаймиз.

Муҳтарам ватандошлар!

Ушбу унутилмас, дилбар лаҳзаларда сиз, азизларни, барча-барча юртдошларимизни Наврўз байрами билан яна бир бор қутлайман.

Ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик, бахту саодат ва файзу барака тилайман!

Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!

Наврўзи олам муборак бўлсин!

2025 йил 22 март,

ЎЗА

Илмий мақолалар

Даврон КАСИМОВ,
ИИВ Жамоат хавфсизлиги Департаменти
Жамоат тартибини
сақлаш хизмати бўлим бошлиги, подполковник

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ПИРОТЕХНИКА БУЮМЛАРИДАН НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ УЧУН АЙРИМ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Очиғини айтганда, пиротехника буюмларини қонунга хилоф муомаласи ҳуқуқбузарликнинг асосий субъекти, яъни ҳуқуқий оқибатини тушунмайдиган ёки тўлиқ англай олмайдиган вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилаётганлиги жамиятни ташвишга солиши, демакким ушбу йўналишда доимий профилактик чора-тадбирлар амалга оширилишини талаб қилади. Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар замонавий жамиятнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. “*Ёш авлод юсак тараққиёт натижаларига эришишга интилаётган ҳар қандай давлат ижтимоий ривожланишининг табиий захираси*”¹, эканлигини ҳам тушунишимиз лозим.

Вояга етмаганларга нисбатан ҳуқуқбузарлик сиёсатининг айрим йўналишлари анъанавий равишда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилади ҳамда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг хусусиятларидан келиб чиқиб, “жиноят ва маъмурий қонунчилик билан алоҳида тартибга солинади”². Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлик ҳолати жамиятнинг маънавий даражасини белгилайди, шунинг учун қонун чиқарувчи органлар вояга етмаганларнинг жавобгарлик масаласини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (кейинги матнларда - ЖК) ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида (кейинги матнларда - МЖтК) алоҳида нормалар билан мустаҳкамланган.

¹ С.П. Середа. К вопросу об уголовной политике в отношении несовершеннолетних / С. П. Середа // Вестник института: преступление, наказание, исправление. — 2012. — № 3. — С. 77–82.

² Л.В. Мальцева. Преступность среди несовершеннолетних и ее предупреждение / Л. В. Мальцева // Общество: политика, экономика, право. — 2011. — № 4. — С. 102–105.

Шу ўринда мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат *“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”*ги Қонунни³ кўрсатиш лозим. Жумладан, Қонун билан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш: соҳанинг асосий тушунчалари, вазифалари, принциплари, фаолиятни ахборот билан таъминлаш, ота-она ёхуд ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки, амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ва уларнинг ваколатлари, якка тартибдаги профилактика ишини ташкил этиш, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тартиби белгиланган.

Шунга асосан Қонуннинг 3-моддасида (Асосий тушунчалар) мавзуга доир қуйидаги тушунчаларни билишимиз мақсадга мувофиқдир: вояга етмаган – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс ҳамда улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси – вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими тушунилади.

Ҳуқуқбузарликни олдини олиш давлат сиёсатининг йўналишларини амалга ошириш билан боғлиқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш фақат вояга етмаганлар томонидан қонун бузилиш статистикаси ҳамда жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг хусусиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш орқали амалга ошириш мумкин. Шу билан бирга, криминалист олимларнинг таъкидлашича, ҳуқуқбузарлик ҳолатини ўрганишда унинг яширин таркибий қисмини ҳисобга олиш керак, чунки вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақиқий сони ҳисоботга нисбатан анча юқори.

Замонавий воқеликнинг ўзгарган шароитида кенг қамровли тадқиқот катта профилактика салоҳиятига эга, масалан, ўсмирларнинг хулқ-атворини

³ “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 29.09.2010 йилдаги ЎРҚ-263-сон, <https://www.lex.uz/docs/1685726>.

жисмоний, маънавий жиҳатдан шаклланмаганлиги сабабли ўзини-ўзи бошқара оладиган деб аташ мумкин эмас, уларда “ҳиссий беқарорлик” кучайган, айримлари ҳуқуқбузарлик содир қилишга ундайди.

Салбий ҳодисалар одатий ахлоқий ва ижтимоий-тартиб тамойилларининг бузилишига, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳларини моддий таъминлаш даражасининг кескин пасайишига олиб келади, буларнинг барчаси ўсмирларнинг ижтимоий хулқ-атворида намоён бўлади, улар учун муваффақият, бойлик ва умуман осон ҳаёт стандартлари устун бўла бошлайди. Кўпгина муаллифларнинг таъкидлашича, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий хусусияти уларнинг хатти-ҳаракатларининг ҳуқуқий табиати билан эмас, балки мотивация механизми, психологик муносабатларнинг муайян хусусиятлари, ўз имкониятини юқори баҳолаш ва гуруҳ манфаатларига ёки шахсий ирода қарорларига қарши тура олмайдиганлиги билан фарқланишини таъкидлайдилар.⁴

Қонун ҳужжатларига асосан жиноят ва маъмурий жавобгарлик субъекти сифатида вояга етмаганлар тоифаси ижтимоий хавфли қилмишнинг хавфлилиқ даражаси, оқибатидан келиб чиқиб, ЖКнинг 17-моддасига⁵ асосан 14-18 ёшни ҳамда МЖТКнинг 14-моддасига⁶ асосан 16-18 ёшни ташкил қилиб, уларнинг жавобгарликка тортиладиган қилмишлар доираси чекланганлиги билан ажралиб туради. Дарвоқе, мамлакатимизга пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш соҳасида самарали давлат назоратини ўрнатиш, уларнинг ноқонуний фойдаланишининг олдини олиш, пиротехника воситалари намойиш қилинадиган маданий-томоша ва бошқа тадбирларни ўтказишда хавфсизлик чора-тадбирларини кучайтириш, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида 2009 йил 10 декабрида Вазирлар Маҳкамасининг қарори⁷ қабул қилинди.

⁴ Криминология: учеб. / под ред. И. И. Рогова, Е.О. Алауханова. — Алматы: Международ. центр науч. исследований и правовой эксперт.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 22.09.1994 йилдаги 1-сон, <https://lex.uz/docs/111453>.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 01.04.1995 йилдаги 3-сон, <https://lex.uz/docs/97664>.

⁷ “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 10.12.2009 йилдаги 309-сон, <https://lex.uz/docs/1557194>.

Жамоат хавфсизлиги соҳасига оид мазкур масалани ҳар томонлама тадқиқ этиш учун пиротехника буюмларининг қонуний ва ноқонуний муомаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлиги соҳасига оид фаолиятлар, шу жумладан пиротехника буюмлари муомаласи билан шуғулланиш *“Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни*⁸ асосида давлат хизматлари кўрсатишни назарда тутди. Мазкур қонуннинг амалга оширилиши учун лицензияларни олиш талаб қилинадиган фаолият турлари (1-илова) рўйхатининг 22-бандида пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш фаолияти учун лицензия тури кўрсатилган бўлиб, лицензияловчи орган сифатида Ички ишлар вазирлиги белгиланган.

Хавфлилик даражасига қараб пиротехника буюмлари 5 та тоифага (I-V - классга) ажратилган бўлиб, унинг хусусияти турли хил хавфли омилларни (кинетик энергия, джоули, акустик нурланиш, децибел, зарба тўлқинлари, парчалар тарқалиши) умумлаштирадиган хавфли ҳудуд радиусининг катталигига боғлиқ. I – II класслардаги пиротехника буюмлари маиший мақсаддаги, III-V класслардаги пиротехника маҳсулотлари эса техник, махсус, саноат ва ҳарбий мақсаддаги пиротехника буюмларига мансубдир. Маиший мақсаддаги (*хавфлиликнинг I – II класслари*): 18 ёшга тўлган фуқароларга эркин сотиладиган, қўллаш бўйича йўриқнома асосида фойдаланиши, махсус билим ва кўникмаларни талаб этмайдиган пиротехника буюмларига мансубдир. Техник ва махсус мақсаддаги (*хавфлиликнинг III – V класслари*): қўлланилиши атрофдагилар учун жиддий хавф туғдириши мумкинлиги боис, фойдаланиши махсус билим ва кўникмаларни, фойдаланувчи шахсларнинг етарли малакага эга бўлишни ҳамда фойдаланишда махсус техник шартлар таъминланишини талаб этувчи буюмлар. Ушбу буюмлар фақат техник ва махсус мақсаддаги пиротехника буюмларидан фойдаланишни амалга оширишга доир лицензияга эга бўлган юридик шахсга сотилиши, ушбу буюмлардан юридик шахс штатидаги

⁸ “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 14.07.2021 йилдаги ЎРҚ-701-сон, <https://lex.uz/docs/5511879>.

Тошкент давлат техника университетининг малака ошириш курсларида “Пиротехника буюмларини хавфсиз қўллаш” йўналиши бўйича махсус тайёргарликдан ўтган ҳамда тегишли гувоҳномага эга бўлган ходимлар томонидан фойдаланиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласи соҳасида давлат назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 1 декабрдаги 724-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбошида хавфлиликнинг II классига тегишли (*яъни 18 ёшга тўлган фуқароларга эркин сотиладиган*) маиший пиротехника буюмларининг жисмоний ва юридик шахслар томонидан яратилиши, ишлаб чиқарилиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши, ташилиши, реализация қилиниши, сотиб олиниши, сақланиши ва фойдаланилиши тақиқланган.

Мамлакатимизда пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласини олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлиги хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг “Республика ҳудудида пиротехника буюмларининг қонунга ҳилоф муомаласини олдини олиш, аҳоли орасида тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтириш юзасидан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган комплекс ташкилий-таҳлилий ва тезкор-профилактик тадбирлар” қўшма режаси тасдиқланиб (*2021 йил 29 ноябрдаги 15/3945-сон*), унинг ижроси бўйича бир қатор ташкилий чоралар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар йили тадбирга қўшма режага асосан ўртача 9 013 нафар ички ишлар, 741 нафар Миллий гвардия, 150 нафар Давлат хавфсизлиги хизмати, 416 нафар солиқ органлари ва 1 566 нафар жамоатчилик вакилларида иборат 459 та махсус гуруҳлар ташкил этилади ҳамда улар томонидан 2022-2024 йиллар давомида (*бундан кейин мақолада келтирилган статистика ҳисоботлари шу даврга нисбатан олинган*) 230 минг 453 та, (шундан 45 048 та таълим муассасаларида, 8 654 та чегара ҳудудларида, 46 608 та бозорларда, 38 760 та савдо марказларида, 35 125 та кўнгил очар масканларда, 56 258 та бошқа жамоат жойларида) мақсадли профилактик тадбирлар ўтказилиб келинган.

Ушбу профилактик тадбирлар давомида жами 45 млн 140 минг 304 дона пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ

4 577 та ҳолатлар аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан тахминан 29 млрд 577 млн сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилган. Аниқланган ҳуқуқбузарларга нисбатан 111 та (2022 й. – 47, 2023 й. – 36, 2024 й. – 28) жиноий ишлар қўзғатилиб, 4 466 та (2022 й. – 1911, 2023 й. – 1281, 2024 й. – 1274) ҳолатда қонунбузарлар маъмурий жавобгарликка тортилган. Пиротехника буюмларининг 939 минг донаси таълим муассасалари ва кўнгилочар жойларда ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг 2 310 нафари ёки 16,1 фоизи вояга етмаганлар томонидан содир этилганлиги, ушбу йўналишда ҳали амалга ошириладиган ишлар етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Бундай турдаги ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфини жамоат хавфсизлигига бўлган тажовузларда, яъни пиротехника буюмларидан нотўғри фойдаланиш натижасида келиб чиққан 20 та ёнғинлар оқибатида келтирилган моддий зарар 86 млн 191 минг сўмни ташкил этганлигида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Шу ўринда, ички ишлар органлари ва мутасадди ташкилотлар билан ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш мақсадида доимий тартибда тарғибот-тушунтириш ишлари ҳам амалга оширилиб келинаётганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, тадбирлар давомида пиротехника буюмларини ноқонуний муомаласи мавзуси бўйича 157 844 маротаба маҳаллаларда, бозорларда, корхона, ташкилотларда, таълим муассасарида ва кўнгилочар (*ресторан, тўйхона, кафелар ва ҳ.к.*) масканларда учрашувлар, 7 179 маротаба телевидения, ижтимоий интернет тармоқлари ва радиоларда чиқишлар ўтказилган.

Жамоат хавфсизлиги соҳасида пиротехника буюмлари муомаласи билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг *“Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”*ги қонунига⁹ мувофиқ:

⁹ “Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 22.09.2010 йилдаги ЎРҚ-261-сон, <https://lex.uz/docs/1682149>.

а) Ўзбекистон Республикасининг ЖКнинг “Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар” номли XVII боби 250¹ – модда (Пиротехника буюмларининг қонунга ҳилоф муомаласи);¹⁰

б) Ўзбекистон Республикасининг МЖТКнинг “Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” номли XV боби 185¹- модда (Пиротехника буюмларининг қонунга ҳилоф муомаласи)¹¹ каби нормалар билан тўлдирилди.

Жамоат хавфсизлигига қарши жиноят ҳисобланган пиротехника буюмларининг қонунга ҳилоф муомаласи мазкур моддаларга мувофиқ, “Пиротехника буюмларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (олиб чиқиш) ёки ўтказиш хатти-ҳаракатларида намоён бўлиб, “ижтимоий хавфлилик” даражасига қараб тўрт қисмга ажратилган ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлардан айнан шу белгиси билан ажралиб туради. Жумладан, пиротехника буюмларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (олиб чиқиш) ёки ўтказиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин жиноий оқибатини келтириб чиқаради.

Жиноят ҳуқуқига оид манбаларда таъкидланганидек, мазкур жиноятнинг:

а) объекти пиротехника буюмларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (олиб чиқиш) ёки ўтказишнинг белгиланган тартиби, шунингдек фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғини, ўзгалар мулкининг хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, предмети эса пиротехника буюмлари ҳисобланади;

б) объектив томони пиротехника буюмларини қонунга ҳилоф равишда - 1) ишлаб чиқариш; 2) тайёрлаш; 3) сақлаш; 4) ташиш; 5) жўнатиш;

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 22.09.1994 йилдаги 1-сон, <https://lex.uz/docs/111453>.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 01.04.1995 йилдаги 3-сон, <https://lex.uz/docs/97664>.

6) фойдаланиш; 7) Ўзбекистон Республикасига олиб кириш; 8) Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишдан иборат бўлса;

в) субъектив томони мазкур қилмишнинг қасддан содир этилишида намоён бўлади;

г) субъекти бўлиб ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахслар ҳисобланади¹².

Ўрганилган жиноий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари статистикасида вояга етмаганлар томонидан ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар содир бўлмаганлиги маълум бўлди.

Шу билан бирга, юқоридаги статистик маълумотларда аниқланаётган ушбу ҳуқуқбузарликнинг 97,6 фоизи айнан маъмурий ҳуқуқбузарликлар хиссасига тўғри келаётганлигини кўришимиз мумкин.

Демак, таъкидланган статистик ҳисоботлар ҳамда соҳага доир ҳуқуқий профилактикани кучайтириш ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар асосида Ўзбекистон Республикасининг *“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида”* Қонуни¹³ қабул қилинди. Қонунга асосан МЖТКга пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласига доир қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

а) 185¹- моддасининг диспозицияси уч қисмга ажратилди ҳамда пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш учун ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳуқуқбузарликларнинг санкциялари оширилди;

б) 248-модданинг тўртинчи қисмига қўшимча киритилиб, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласига оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий баённомаларни

¹² “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар”. (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Махсус қисм / М.Х. Рустамбаев – Тошкент: Адолат. 2016. – 725-730, 960-б.

¹³ “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 28.08.2024 йилдаги ЎРҚ-949-сон, <https://www.lex.uz/docs/7087042>.

расмийлаштириш ваколатини ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторларига берилди.

Шу билан бирга МЖТКнинг 13-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилиши, яъни маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти бўлиши белгиланган. Ўз навбатида, МЖТКнинг 14-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан 185¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда, улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилади. Содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда мазкур шахсларга нисбатан ишлар МЖТКнинг 247-моддасига асосан болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари ихтиёрига берилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бунда албатта, МЖТКнинг 185¹³-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар фақат ўзига мазкур ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш келиб тушган орган (мансабдор шахс) уни болалар масалалари бўйича комиссияларига кўриб чиқиш учун топширган ҳоллардагина кўриб чиқилади.

Вояга етмаганлар томонидан пиротехника буюмларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш ҳуқуқбузарлиги содир этилганда унинг ота-оналарига ёки улар ўрнини босувчи шахсларга нисбатан МЖТКнинг 47-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар қўлланилишига сабаб бўлиши мумкинлиги белгиланган. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, вояга етмаганлар пиротехника буюмлари ноқонуний муомаласи учун жавобгарликнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

а) қонун ҳужжатларига асосан мамлакатимизда ўн саккиз ёшга тўлмаганлар вояга етмаганлар ҳисобланиши;

б) пиротехника буюмлари ноқонуний муомаласига доир жиной ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг субъекти сифатида ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахслар жавобгарликка тортилиш учун асос бўлиши;

в) пиротехника буюмлари ноқонуний муомаласига доир жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган ўн олти ёшга тўлмаган вояга етмаган шахслар Жиноят-процессуал кодексининг¹⁴ 84-моддаси (*Айбллилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар*) биринчи қисм, еттинчи банди ёки МЖтКнинг 271-модда (*Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар*) биринчи қисм, иккинчи бандига асосан жавобгарликдан озод қилиниши;

г) пиротехника буюмлари ноқонуний муомаласига доир маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаган шахслар МЖтКнинг 247-моддасига асосан болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари томонидан кўриб чиқилиши ҳамда уларнинг ота-оналарига ёки улар ўрнини босувчи шахсларга нисбатан ушбу Кодекс 47-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар қўлланилишига сабаб бўлиши;

д) пиротехника буюмлари ноқонуний муомаласига доир жиноий ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаган шахслар Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Қонуннинг¹⁵ 35-моддаси (*Ўзига нисбатан профилактик ҳисобга олиш юритиладиган шахслар*) биринчи қисм, учинчи хатбошисига асосан профилактик ҳисобга олиш учун асос бўлиши белгиланган.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш билан турли субъектлар шуғулланади: болалар масалалари бўйича комиссиялар; ички ишлар органлари; таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари; васийлик ва ҳомийлик органлари; соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; меҳнат органлари; Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлик даражасини камайтириш фақат уларнинг профилактика бўйича мувофиқлаштирилган фаолияти орқали амалга оширилиши мумкин, масалан, ҳар бир минтақада ҳуқуқбузарлик субъектлари билан ўзаро алоқаларнинг турли шаклларида фойдаланган

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 01.04.1995 йил, <https://www.lex.uz/docs/111460>.

¹⁵ “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 14.05.2014 йилдаги ЎРҚ-371-сон, <https://www.lex.uz/docs/2387357>.

ҳолда тарбиявий чораларни қўллаш имконияти мавжуд. Давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимиятнинг турли органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бўлинмалари ва хизматлари ўртасида вояга етмаганлар бўйича қизиқиш уйғотадиган ахборотнинг ўз вақтида ўзаро алмашинувини ташкил этиш жуда муҳим¹⁶. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликни олдини олиш жараёнида уларнинг оилаларига ҳам таъсир кўрсатиш керак, чунки кўп ҳолларда ўсмирларнинг ғайритабiiй хатти-ҳаракатлари оилавий бахтсизлиги билан боғлиқ. Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган вояга етмаганларнинг оилаларини самарали профилактика қилиш учун уларнинг барча жиҳатларини ўрганиш зарур. Шунингдек, психология ва психиатрия соҳасидаги мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган усулларни билиш, ички ишлар органларининг бошқа соҳалардаги маълумотлари ва тажрибасидан яқка профилактика ишларида фойдаланиш муҳимдир.¹⁷ Бир қатор омиллар, масалан, оила аъзоларининг салбий таъсири, яқин атрофдаги муҳит (катталар ёки тенгдошларнинг таъсири), ҳуқуқбузарликни катталар томонидан кўзгатиш, муайян машғулотларнинг йўқлиги, Интернет ва оммавий ахборот воситаларидан олинган салбий маълумотлар.

Ижтимоий хавфли ҳуқуқбузарликлар ва жиноий жазога тегишли бўлмаган ҳодисаларга қарши курашиш, турли профилактика тадбирларни ўтказиш давлатнинг ҳуқуқбузарликка қарши сиёсатнинг яқуний натижасига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатади. Ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш шароитида вояга етмаганларга ва уларнинг оилаларига ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир, бу кўп ҳолларда юқори ва яқши натижаларни кўрсатади¹⁸.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий жамиятда мавжуд бўлган турли хил муаммоларга қарамай, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан мақсадли ишлашнинг иккита асосий профилактик чораларини ажратиш лозим деб

¹⁶ Об основах системы профилактики безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних: Федер. закон от 24 июня 1999 г. №120-ФЗ // Правовой Сервер Консультант Плюс, www.consultant.ru. — URL: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_23509/ (дата обращения: 24.04.2020).

¹⁷ Настольная книга инспектора по делам несовершеннолетних: метод. пособие / под ред. С.И. Гирько. — Москва: Объединенная редакция МВД России, 2014. — 768 с.

¹⁸ О.А. Рыжова. Профилактика преступности в среде несовершеннолетних, особенности на примере Пензенской области / О.А. Рыжова, С.С. Мартынова // Электронный научный журнал «Наука. Общество. Государство». — 2017. — Т. 7, № 4 (20). — С. 84–90. — URL: <http://esj.pnzgu.ru>. — Дата публикации: 30.12.2017.

ўйлаймиз, биринчиси - вояга етмаганларнинг хатти-ҳаракатларини тузатиш, айниқса, такрорий ҳуқуқбузарлик содир этган ҳолларда ва иккинчиси - ёш авлоднинг ҳуқуқий онгини яхшилаш. Буларнинг барчаси вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг самарали олдини олиш учун бир-бири билан узвий боғлиқ бўлади. Давлатнинг вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикаси бўйича сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишларини таъминлашда тарбия, ўсмирларнинг бандлигини таъминлаш, оилани мустаҳкамлаш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш жуда муҳимлигини ёдда тутиш лозим.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи, вояга етмаганлар ўртасида ушбу ҳуқуқбузарлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик, пиротехника буюмларининг қонунга ҳилоф муомаласининг олдини олишни ҳуқуқий таъминлаш масалалари кўриб чиқилган.

В этой статье рассмотрены вопросы неправомерности пиротехнических изделий, административной и уголовной ответственности за эти правонарушения среди несовершеннолетних, правового обеспечения предотвращения неправомерности пиротехнических изделий.

This article considers the issues of illegality of pyrotechnic products, administrative and criminal responsibility for these offences among minors, legal provision of prevention of illegality of pyrotechnic products.

Улуғбек РАСУЛЕВ,
*Малака ошириш институти бошлигининг
биринчи ўринбосари, полковник*

Даврон КАСИМОВ,
*ИИБ Жамоат хавфсизлиги Департаменти Жамоат тартибини
сақлаш хизмати бўлим бошлиги, подполковник*

ОВЧИЛАРНИ ФУҚАРОВИЙ ОВ ҚУРОЛИГА ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ов қилишнинг аксарият турлари юқори хавф туғдирадиган ов қуролини қўллаш билан амалга оширилади, демак, ов қуролини ишлатишда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиши шарт. Ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда овчи ушбу қоидаларни бузишга йўл қўймаслиги керак, яъни риоя қилиш нафақат унинг шахсий хавфсизлиги, балки бошқа фуқароларнинг хавфсизлиги кафолати ҳамдир.

Шу мақсадда “Қурол тўғрисида”ги қонуннинг асосий мақсадларидан фуқароларни ов қуроли билан муомалада бўлиш, хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитиш тизimini тубдан қайта кўриб чиқиш, махсус ўқитиш курсларининг ташкилий-ҳукуқий асослари ҳамда моддий-техника базасини замонавий талаблар ва мезонлар асосида белгилаш шарт ҳисобланади. Жумладан, қонуннинг 13-моддаси еттинчи қисм, иккинчи хатбошисида ов қуролини биринчи марта олиш истагини билдирган фуқаролар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда овчилар жамоат бирлашмасида қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқиш бўйича махсус қисқа муддатли курсларда ўқитилгандан кейин берилган гувоҳнома – қуролни олиш рухсатнома учун асосдир.

Бирок, айтиш жоизки, бир неча йиллар давомида овчиларни қуролдан хавфсиз фойдаланишга ўқитиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар соҳанинг долзарб масаласига айланган. Хусусан, республикада овчилар жамоат бирлашмалари сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган 37 минг нафардан зиёд аъзоларидан иборат. Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт

бирлашмаси ҳамда унинг 13 та минтақавий бўлимларида кўрсатилган ўқув курсларини ташкил этилмаганлиги сабабли, улар томонидан фуқароларни қурол билан хавфсиз муомалада бўлиш қоидаларини фақат умумий тарздаги назарий билимлар юзасидан синов имтиҳонлари (овчилик минимуми) натижалари бўйича овчилик гувоҳномаларини бериш билан чекланиб келинган?! Натижада овчилар жамоат бирлашмалари қуролни бевосита ўқлаш, тозалаш, фойдаланиш ва амалий ўқ отишни ташкил этиш учун ўзининг инфратузилмаси мавжуд эмаслиги, уларнинг ходимлари эса қурол билан хавфсиз муомалада бўлиш қоидаларини билиш юзасидан зарур малакага эга бўлмаганлиги қурол эгаларининг ундан тўғри фойдаланиш тартиб-қоидалари бўйича билим савияси пастлигига, қурол билан муомалада бўлишда нохуш ҳолатларнинг ҳолати юқори сақланиб қолаётганлигига сабаб бўлган. Масалан, 2020 – 2024 йиллар давомида ов қуролини нотўғри ўқлаш-ўқсизлантириш, тозалаш, уни олиб юриш ва ташиш билан боғлиқ бўлган 44 та (2020 й. 6 та, 2021 й. 7 та, 2022 й. 11 та, 2023 й. ва 2024 й. 10 тадан) бахтсиз ҳодиса қайд этилган.

Ушбу муаммоли масалани бартараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони¹ билан тасдиқланган 2022 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясининг 21-бандида жамоат хавфсизлигини таъминлашда республика овчилик жамиятларининг роли оширилиши ҳамда масъулиятини кучайтириш вазифаси юклатилган. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида овчилар жамоат бирлашмалари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 20 ноябрдаги 609-сон қарори² қабул қилинди. Қарорга асосан, 2023 йил декабрь ва 2024 йил январь ойлари давомида Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтида кейинчалик ов қуролини биринчи марта олаётган фуқароларни қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига риоя этиши юзасидан махсус

¹ “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 29.11.2021 йилдаги ПФ-27-сон, <https://www.lex.uz/docs/5749291>.

² “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида овчилар жамоат бирлашмалари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 20.11.2023 йилдаги 609-сон, <https://www.lex.uz/docs/6669895>.

курсларда ўқитиш ҳуқуқини берувчи жами 54 нафар инструкторлар ҳудудий: а) овчилар жамоат бирлашмаси ҳамда б) ички ишлар органлари назорат-лицензиялаш фаолиятини ташкил этиш бўлинмалари ходимлари таркибидан тайёрланади.

Ўқув курслари, Ички ишлар вазирлиги ва овчилар жамоат бирлашмаси билан келишилган ҳолда “Фуқароларни қуроладан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитиш бўйича қисқа муддатли махсус ўқув курсларида ўқитадиган инструкторларни тайёрлаш бўйича” тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ ўтказиладиган бўлди.

Ўқув машғулотлари Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти, Эксперт-криминалистика бош маркази, Тиббиёт бирлашмаси, Жамоат хавфсизлиги департаменти Жамоат тартибини сақлаш хизмати ва бошқа ташкилотларнинг малакали ходимлари ҳамда мутахассислар томонидан олиб борилди.

Тингловчиларнинг ўқув машғулотларини ўзлаштирилганлиги бўйича якуний имтиҳон синовини махсус тузилган комиссия томонидан баҳоланди ҳамда муваффақиятли тугатган инструктор номзодларига белгиланган намунада сертификатлар топширилди.

Ҳозирги кунда ушбу инструкторлар томонидан фуқароларни ов қуролидан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитиш йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқув курсларни ҳудудлар кесимида, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳамда вилоят овчилик жамиятлари негизда ташкил этилиб, ов қуролини биринчи марта олаётган фуқаролар 36 (54 академик) соат давомида тайёрланмоқда. *Умумий ўқув вақти ҳажми:* а) назарий таълимга – 24 (36 академик) соат; б) амалий машғулотларга – 12 (18 академик) соат, в) қуроладан ўқ отишни ўргатиш машғулотлари (ўқув ўқ отиш машқлари) – 6 (9 академик) соат асосида тақсимланди. *Ўқув машғулотлари қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:*

1) қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласига доир қонунчилик ҳужжатлари талаблари, овчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

2) ов қилиш қоидалари, шу жумладан, атроф-муҳитни, ёввойи ҳайвонлар яшаш муҳитини, бўлиш ва урчиш жойларини, уларнинг кўчиб ўтиш йўлларини муҳофаза қилиш, ов қилиш учун рухсат этилган ва таъқиқланган жойларни, ёввойи ҳайвонларнинг турлари ҳамда ов қуроллари

ва усуллари, ов қилиш учун белгиланган муддатлар, овланган ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларининг ҳисобини юритиш тартиби;

3) қуrol билан муомалада бўлиш, ов қилиш ва балиқ овлаш, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш учун жавобгарлик чоралари;

4) фойдаланиладиган қуrol ва унинг ўқ-дорилари асосий турлари, уларнинг тактик ва техник тавсифлари ҳамда баллистик хусусиятлари, уларни сақлаш, ташиш, олиб юриш ва улардан фойдаланиш тартиби;

5) қуrolни ўқлашда, тозалашда, қўллашда, қуrol билан бошқа шаклларда муомала қилишда шахсий, атрофдагиларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш ҳамда ёнғинга қарши чоралар;

6) ўқдан яраланганда ва бошқа турдаги тан жароҳатларининг асосий турлари бўйича бирламчи шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш асосларини ўзлаштириб олиш учун зарур бўлган мустаҳкам ва етарли ҳажмда билимлар ҳамда амалий кўникмаларни ҳосил қилиш назарда тутилади.

Дарвоқе, ўқув курсларида ўқитишни ҳудудий овчилик жамияти ва ўқитилаётган фуқаро ўртасидаги шартномага мувофиқ амалга оширилиб, шартнома суммасининг ярим бараварини Ички ишлар вазирлигининг Жамоат хавфсизлиги департаменти Жамоат тартибини сақлаш хизматининг махсус ҳисоб варағига ўтказилмоқда. Шу билан бирга, зарур моддий инфратузилмага эга бўлмаган овчилик жамиятлари учун ўқув машғулотларини таъминлаш, қуrol ва ўқ-дориларни сақлаш ҳамда амалий ўқ отиш машғулотларини ўтказиш шароитлари мавжуд юридик шахслар ва ички ишлар органларида ташкил этилишига рухсат берилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ушбу тизимни жорий қилишда Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Германия, Франция, Австрия, Чехия, Руминия, Финляндия, Швеция, Норвегия каби бир қатор давлатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари ўрганиб чиқилиб, уларда иккита асосий ёндашув мавжудлиги аниқланди. Жумладан, кўпчилик давлатларда овчиларни қуrol муомаласига доир қоидаларига ўқитиш нодавлат нотижорат ташкилотлари (овчилик жамиятлари) томонидан амалга оширилса, бошқаларда ушбу тизим аралаш шаклларида яъни нодавлат ҳамда давлат (*Беларусь*,

Қирғизистон, Германия, Франция) ташкилотлари томонидан ташкил этилганлиги маълум бўлди.

Ҳозирги кунда қарор талабларидан келиб чиқиб республика ички ишлар органлари овчилик жамияти ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитиш бўйича 75 та махсус курслар ташкил этилиб, уларда ов қуролини биринчи марта олиш истагини билдирган 1135 нафар фуқаролар ўқитилиб, ушбу курсларни мувофақиятли тугатганларга тегишли сертификатлар топширилди.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада фуқароларни ов қуроли билан муомалада бўлиш ва ундан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини билиш учун ўқитиш тизимини такомиллаштириш масаласи ёритилган.

В данной статье рассмотрен вопрос о повышении уровня подготовки граждан по основам владения и безопасности при использовании охотничьего оружия.

This article considers the issue of increasing the level of training of citizens on the basics of ownership and safety in the use of hunting weapons.

АЛЛОМА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ТЎРТ НАСИҲАТИ:

1. Дўстлар ва ҳайрихоҳлар ёмонни яхши қилиб кўрсатишига, ҳалал берадиганни тўсишига, гўзалликни изҳор этишига ва яхшилик қилишига тиришадилар.

2. Яхшилик хислатлари қуйидагилардир: тўғрилиқ, тақводорлик, ўзини сақлаш, диндорлик, одиллик, камтарлик, мулойимлик, сиёсатбозлик ва бошқариш ишларида билимдонлик, тадбиркорлик, тўғри таҳмин қила билиш.

3. Иффат нималигини айтайми? Очкўзлик, яхши овқат, ичимлик ва хотин-ҳалажга берилишдан ўзини сақлаш иффатдир.

4. Эй фарзанд, туз тўдасига тушган тузга айланади, ифлосликка тушган нарса ифлос бўлади. Зеро, нопок ва палиддан нопок ва палид тугилади. Сендан тугилган фарзанд соф бўлиши учун ўзинг соф бўл!

Feruz MAHMUDOV,
Malaka oshirish instituti tadqiqotchisi

**YANGI O‘ZBEKISTONDA “MAHALLABAY”
ISHLASH TIZIMINING MOHIYATI HAMDA AYRIM FALSAFIY
XUSUSIYATLARI**

Mamlakatimizda barcha ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar aholining ijtimoiy talablaridan kelib chiqib amalga oshirilmoqda. Buning uchun mahallalarga ko‘plab vakolatlar, tashkiliy va moliyaviy imkoniyatlar berilmoqda. Yangi O‘zbekiston sharoitida bugungi kunda mahallalarda mahalla raisi, hokim yordamchisi, xotin-qizlar faoli, yoshlar yetakchisi hamda profilaktika inspektoridan iborat “beshlik tizimi” keyinchalik soliq va ijtimoiy xizmat xodimining qo‘shilishi natijasida “mahalla yettiligi” tashkil etilmoqda. Bundan ko‘zlangan asosiy maqsad ehtiyojmand aholini ro‘yxatga kiritish, moddiy yordam, subsidiya va kredit ajratish kabi masalalarni tuman va viloyat idoralariga chiqmasdan, mahallaning o‘zida jamoaviy hal qilishdir. Shuningdek, bugungi kunda bandlik, tadbirkorlik va kasanachilik jamg‘armalari mablag‘lari har bir mahallaga taqsimlab berilmoqda.

Mahallalarda qulay va elektron ish yuritish yo‘lga qo‘yilib, amaldagi uchta platforma – “Onlayn mahalla”, “Xotin-qizlar”, “Yoshlar portali” o‘zaro integratsiya qilinib, yagona tizimda mujassamlashtirilgan. **“Mahalla yettiligi”** ishini muvofiqlashtirishda mahalla raislarining vakolatlari kengaytirilib, ular hokim yordamchisi, yoshlar yetakchisi, xotin-qizlar faoli, profilaktika inspektori, soliqchi bilan birgalikda ijtimoiy rag‘batlantirish yoki intizomiy jazo qo‘llash bo‘yicha taqdimnoma kiritish vakolatiga ega bo‘lib bormoqda.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta’kidlaganlaridek: *mahallalar – davlatimizning eng katta zaminidir* [1]. Prezidentimiz tomonidan ilgari surilgan “mahallabay” va “fuqarobay” ish uslublari ayni damda aholi murojaatlari va jamiyatdagi ko‘plab muammolarni bartaraf etishda o‘z samarasini bermoqda.

Yurtimizda olib borilayotgan “mahallabay” ishlash mexanizmining ham muhim asosini ana shu tamoyil ya’ni, barcha soha vakillarining hamjihat bo‘lib, hududlardagi masalalarni yechishga kompleks yondashish bilan ifodalanadi. “Mahallabay” ishlash, bu – barcha soha mutasaddilarining bir musht bo‘lib, mahallalardagi muammolar, aholi turmushidagi muhim masalalarni birgalikda hal etishning yangicha mexanizmidir [2]. Bugungi kunda yurtimiz hududlaridagi muammolarni “mahallabay” aniqlashi va bartaraf etishi, xususan, hududlarda “Obod qishloq” va “Obod mahalla” dasturlari ijrosini ta’minlash juda muhim hisoblanadi. Uni amalga oshirish uchun mas’ul xodimlardan iborat “*Ishchi guruhlar*” tuzilgan hamda mazkur amaliyot natijasida joylardagi odamlarni qiynayotgan ko‘plab ijtimoiy muammolar hal etilmoqda. Xususan, mahallalarning ichki yo‘llari, ichimlik suvi va elektr ta’minoti, irrigatsiya tarmog‘ini yaxshilash bo‘yicha tizimli ishlar olib borilmoqda. Mahalla xodimlarining sektor rahbarlari va tegishli vazirlik va tashkilotlar bilan olib borgan uzviy hamkorligi natijasida bugungi kunga qadar ijtimoiy himoyaga muhtoj oilalarga ko‘maklar berilib, xotin-qizlarning bandligi ta’minlanib kasb-hunarga o‘qitish ishlari jadal olib borilmoqda.

Yurtimizdagi mavjud barcha fuqarolar yig‘inlari qoshida tashkil etilgan “Ayollar maslahat kengashlari”da malakali psixologlarni jalb etgan holda ijtimoiy himoyaga va psixologik ko‘makka muhtoj ayollar uchun treninglar tashkil etilgan. “Har bir oila - tadbirkor” dasturi doirasida fuqarolarga imtiyozli kreditlar ajratish, fuqarolarning hunarmandchilik va kasanachilik bilan shug‘ullanishlariga imkoniyat yaratilmoqda.

Mahallalarda istiqomat qiluvchi fuqarolarga tomorqachilikni rivojlantirish maqsadida subsidiya ajratilib, ularning o‘quv kurslarida o‘qitilishi ta’minlanmoqda. O‘quv kurslarida kasb-hunarga o‘qitilgan fuqarolarga o‘z tadbirkorlik faoliyatlarini boshlash uchun subsidiyalar ajratilmoqda. “Mahallabay” tizimni amaliyotda samarali ishlashini ta’minlash maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va Jamoat xavfsizligi xodimlari

tomonidan joylarda ishchi guruhlarini tashkil etilib, yoʻl harakati xavfsizligi taʼminlanmoqda.

Davlatimiz rahbari tomonidan yurtimizda barcha ijtimoiy-iqtisodiy dasturlar aholi talabidan kelib chiqib, joylarda amalga oshirilayotgani, buning uchun mahallalarga koʻplab vakolatlar, tashkiliy va moliyaviy imkoniyatlar berilayotganligi alohida taʼkidlangan. Zamon shiddat bilan oʻzgaryapti. Mahallani joylarda muammolarni chinakam hal qiladigan institutga aylantirishimiz zarur. Yana tajriba orttiramiz, yana oʻzgartiramiz. Hayot bizni shunga majbur qilyapti. Hozirgi tahlikalarga yechim topamiz desak, bizning yagona yoʻlimiz-mahalla, mahalla va yana bir marta mahalla. Mahalla tizimi obroʻyini qancha koʻtarsak, odamlar ishonadi, odamlar bizdan rozi boʻladi, – deya taʼkidladi Davlat yetakchisi.

Hozirgi kunda “mahallabay” ishlash tizimida har bir mahallaga tijorat banklarining masʼul xodimlaridan iborat doimiy vakil biriktirilib, ular mahalla raislari bilan birga xonadonlardagi ahvolni, ishsizlar soni, ularning qiziqishlari, hududning “oʻsish nuqtalari”, mavjud tadbirkorlik subyektlari faoliyatini kengaytirish masalalarini oʻrganmoqdalar. Har bir mahallani rivojlantirish boʻyicha “Yoʻl xaritalari” ishlab chiqilmoqda.

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 3-dekabrda PF-29-sonli Farmoniga asosan mahallalarda tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini taʼminlash va kambagʻallikni qisqartirish masalalari boʻyicha tuman “hokim yordamchisi” lavozimi taʼsis etildi [3]. Ushbu lavozimlarga Respublika Ishchi guruhi bilan birgalikda tuman korxona va tashkilotlarida ishlayotgan rahbar xodimlar saralab olindi. Lavozimga tayinlangan hokim yordamchilarining faoliyatini samarali tashkil qilish maqsadida oʻqitish, nazariy va amaliy mashgʻulotlar asosida tajribasini oshirish yuzasidan oʻquv seminarlar tashkil etildi. Shuningdek, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 3-dekabrda PQ-31-sonli qaroriga asosan tijorat banki va hokim yordamchilari faoliyati yoʻlga qoʻyilib, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 24-dekabrda PQ-62-sonli qaroriga asosan hokim yordamchilari faoliyatini

muvofiglashtirib borish maqsadida “Mahallabay” ishlash va tadbirkorlikni rivojlantirish boshqarmasi va hududlarda markazlar tashkil etildi [4]. Hokim yordamchilarining hududlarda tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta'minlash va kambag'allikni qisqartirish tizimli ishlarni olib bormoqdalar.

Xonadonlarni toifalarga ajratilib, daromadi kam, biroq daromad topishga harakat qilayotgan xonadonlar, doimiy daromadga ega, qo'shimcha daromad topish istagidagi xonadonlar, ijtimoiy himoyaga muhtoj, boquvchisini yo'qotgan, nogironligi bo'lgan xonadonlar va iqtisodiy ahvoli yaxshi va o'ziga to'q xonadonlarga bo'lib o'rganilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-54-sonli qaroriga asosan namunali mahallalar va ulardagi namunaviy xonadonlar tashkil etilgan.

Xulosa qilib aytganda, bugungi kunda mahallalarni rivojlantirish va qo'llab-quvvatlash bo'yicha respublika, viloyat va tuman (shahar) kengashlari joriy etilmoqda. Respublika kengashiga bosh vazir, hududiy kengashlarga esa hokimlar rahbarlik qilishi belgilab berilgan. “Mahallabay” ishlash tizimi asosida yoshlar va ayollarni ish bilan ta'minlash, kambag'allikni qisqartirishga alohida e'tibor qaratilib, aniq chora-tadbirlar asosida ishlar amalga oshirilmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mahalla tizimini yanada kuchaytirish masalalari muhokama qilindi. 26.09.2023. <https://president.uz/uz/lists/view/6695>.

2. “Mahallabay” ishlash tizimi samaralari. 18.06.2021. <https://yuz.uz/news/mahallabay-ishlash-tizimi-samaralari>.

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yildagi “Mahallada tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta'minlash va kambag'allikni qisqartirish bo'yicha davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlari to'g'risida”gi PF-29-son Farmoni. <https://lex.uz/uz/docs/5758437>.

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yildagi “Mahallada tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta'minlash va kambag'allikni

qisqartirish masalalari bo'yicha hokim yordamchilari faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-31-son qarori. <https://lex.uz/uz/docs/5758155>.

5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yildagi "Tomorqadan foydalanish samaradorligini oshirish, shuningdek, aholining tadbirkorlik tashabbuslarini moliyaviy qo'llab-quvvatlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-54-son qarori. <https://lex.uz/uz/docs/5777393>.

REZYUME

Mazkur maqolada Yangi O'zbekistonda "mahallabay" ishlash tiziminining mohiyati va ayrim falsafiy xususiyatlari aks ettirilgan. Yurtimizda "Mahallabay" tizimni amaliyotda samarali ishlashini ta'minlash mexanizmlari ishlab chiqilmoqda. Bugungi kunda mahallalarni rivojlantirish va qo'llab-quvvatlash bo'yicha respublika, viloyat va tuman (shahar) kengashlari joriy etilmoqda.

В данной статье отражена сущность и философские особенности системы махаллинский работы в Новом Узбекистане. В нашей стране разрабатываются механизмы, обеспечивающие эффективное функционирование системы «Махаллая» на практике. Сегодня для развития и поддержки микрорайонов введены республиканские, областные и районные (городские) советы.

This article reflects the essence and philosophical features of the neighborhood work system in New Uzbekistan. In our country, mechanisms are being developed to ensure the effective functioning of the "Mahallabay" system in practice. Today, republican, regional and district (city) councils are being introduced for the development and support of neighborhoods.

Qodirjon ATABAYEV,
*Malaka oshirish instituti boshlig'ining ma'naviy-ma'rifiy
ishlar bo'yicha o'rinbosari*

*Davlat va jamiyat boshqaruvida ayollarning o'rni va
mavqeyini yanada mustahkamlash – islohotlarimizning
muhim yo'nalishlaridan biri bo'lib qolaveradi.*

Shavkat MIRZIYOYEV

**DAVLAT BOSHQARUVIDA ICHKI ISHLAR XODIMLARI
KASBIY MADANIYATINI TARBIYALASHNING IJTIMOIIY-
FALSAFIY AHAMIYATI XUSUSIDA**

Yangi O'zbekiston sharoitida yangilanishlar va izchil islohotlar olib borilayotgan bir davrda ichki ishlar organlari faoliyatini takomillashtirib borish ham mutlaqo yangicha mazmun-mohiyat kasb etmoqda. Xususan ichki ishlar sohasini chinakam xalqchil tuzilmaga aylantirish, yangicha zamonaviy mexanizmlar joriy etish borasida sezilarli o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. Bunda, eng avvalo, ichki ishlar organlarini aholining turli qatlamlari bilan bevosita muloqot olib bora oladigan yuksak ilmiy salohiyatli kadrlar bilan bosqichma-bosqich ta'minlab borish xodimlarning professionalligini oshirib borishi bilan birga, ularning manzilli ishlashi, yuzaga kelgan muammolarni o'z joyida va vaqtida hal etishiga hamda huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olishga yordam beradi. Zero, Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek: *bugungi kunda "ichki ishlar organlari uchun professional kadrlar tayyorlash bo'yicha samarali tizim yaratilgan"ligi* alohida e'tirofqa sazavordir.

Ichki ishlar organlarini har jihatdan professional kadrlar bilan ta'minlash borasida mutlaqo yangi bosqichga qadam qo'yilmoqda. O'zbekiston sharoitida yangi ichki ishlar organlarida islohotlarning samarali tarzda amalga oshirilishi borasida ichki ishlar xodimlari oldiga o'ziga xos dolzarb talablarni qo'ymoqdaki, bu ularning yetuk, salohiyatli, vatanparvar va fidoyi bo'lishiga zamin yaratmoqda. Shu bilan birga, har bir xodimning muntazam kasbiy malakasini oshirish, ularning oliy ta'limdan keyingi ta'limda mustaqil tadqiqotchi sifatida faoliyat yuritib ilmiy daraja va ilmiy unvonlarni olishiga

imkoniyatlar yaratilmoqda. Bu o'z navbatida xodimlarning axloqiy kompetensiyasini rivojlantirib professionalligini oshirishga hamda har bir huquqbuzarlikni nafaqat kasbiy professional balki, ilmiy nuqtai nazardan ham tahlil qilinib, o'ziga xos metodik taklif va tavsiyalarni ham ishlab chiqishga imkon yaratmoqda. Bu ichki ishlar xodimlari ilmiy salohiyatining yuksalib borishiga imkon berishi bilan birga, ularga ilmiy faoliyat bilan muntazam shug'ullanib borish kabi ulkan mas'uliyatni yuklaydi.

Hozirgi paytda shaxs va jamiyatni huquqbuzarliklardan himoya qilish, tezkor qidiruv ishlarni malakali olib borish, ichki ishlar xodimlarining kasbiy kompetentligini namoyon etib, ularda huquqiy va axloqiy me'yorlarga mos keladigan xatti-harakatlarni shakllantirib boradi. Ichki ishlar xodimlarining faoliyatlari jamoat joylarida tartib-qoidalarini saqlash, yo'l harakati xavfsizligini ta'minlash bilan ham bog'liq bo'lib, u ichki ishlar xodimlarida jamiyatning ijtimoiy-falsafiy tuzilishini to'g'ri anglash, umummadaniy aloqalarni tushunish hamda maxsus kasbiy malaka va boy tajribani talab qiladi. Bularning barchasi maxsus tayyorgarlik talab qiladigan jarayon bo'lib bunga yuzaki yondashish mumkin emas. Chunki "ichki ishlar xodimlari" tegishli bilim va ko'nikmalarga ega bo'libgina qolmay, balki shu kasbga doir axloqiy me'yorlar va tamoyillarga rioya qilishga tayyor bo'lishlari lozim [1. B. 9].

O'zbekiston Respublikasi qonun normalarida ichki ishlar organlari faoliyatining ijtimoiy, kasbiy-axloqiy tamoyillari aniq belgilab berilgan. Ushbu huquqiy va kasbiy normalar ichki ishlar xodimlarining kasbiy o'sib borishi, fuqarolarning huquq va erkinliklarini ta'minlab, ularning shaxsiy daxlsizligini hurmat qilishi, qonuniylik, xolislik, ochiqlik va oshkoralik hamda o'zaro hamkorlik kabi kasbiy-axloqiy madaniyatlarning rivojlanishiga zamin yaratadi. Shu bilan birga ushbu normalar ichki ishlar organlari vakillari uchun o'ziga xos qo'llanma sifatida xizmat qilib, ichki ishlarda xodimlarning o'z kasbiy vazifalarini sidqidildan bajarishi hamda fuqarolar bilan muloqot qilishda kasbiy-axloqiy madaniyat tamoyillariga rioya qilishiga yordam beradi.

Rivojlangan jamiyatning o'ziga xos xususiyatlaridan biri unda yashayotgan har bir shaxsning muayyan kasb egasi bo'lishi va uning o'z kasbiga xos bo'lgan kasbiy-axloqiy madaniyat me'yorlar va qoidalariga amal qilishi bilan xarakterlanadi. Zamonaviy taraqqiyot sharoitida muayyan kasbga oid bo'lgan kasbiy-axloqiy madaniyat me'yorlari va qoidalarga amal qilish zaruriyat

darajasiga ko'tarilar ekan, bunda har bir kasbning fidoyi vakillari qatori kasbiy-axloqiy madaniyat me'yorlari bilan shug'ullanuvchi tadqiqotchilar jamoasini shakllantirish qolaversa, kasbiy-axloqiy madaniyat me'zonlarini ijtimoiy falsafiy nuqtai nazardan tadqiq etish davr talabiga aylanib bormoqda.

Kasbiy-axloqiy madaniyat bevosita insonning mehnat faoliyatida namoyon bo'luvchi, uning olgan bilim va tajribasiga asoslangan harakatlar mahsulidir. Shuningdek, kasbiy axloqiy madaniyat bilim, malaka, ko'nikma, qobiliyat, axloqiy va estetik madaniyatni hamda iste'dod va o'zaro muloqotni o'z ichiga oladi. Kasbiy-axloqiy madaniyat nafaqat qadriyatlarga sodiqlikda, balki, insonlarning ehtiyojlariga mos ravishda ijtimoiy munosabatlarni sifat jihatidan ta'minlashda ham namoyon bo'ladi. Kasbiy madaniyat davlat boshqaruvidagi ichki ishlar xodimlarining kasbiy vazifalarini O'zbekiston Respublikasi qonun normalari orqali tartibga soladi. Yurtimiz ko'p millatli diyor. Shunday ekan, ichki ishlar xodimlarining kasbiy-axloqiy madaniyati bag'rikenglik tamoyillariga asoslangan holda shakllanib borishi lozim. Fikrimizni teranroq yoritadigan bo'lsak, ichki ishlar xodimlarining huquqni muhofaza qilishda fuqarolarning milliy qadriyatlaridan xabardor bo'lishi ularning kasbiy-axloqiy madaniyatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Yurtimizda tinchlik va osoyishtalikni ta'minlab borish maqsadida izchil islohotlar amalga oshirilmoqda. O'zbekiston o'tgan o'ttiz yil davomida asrlarga tatigulik taraqqiyot yo'lini bosib o'tdi. Tadrijiy rivojlanish va xronologik nuqtai nazardan qisqa davrda mamlakatimiz jahon hamjamiyatida munosib o'rin egallagan Vatanimiz, o'zining olamshumul yutuqlari bilan bir necha bor Xalqaro e'tiroflarga sazovor bo'ldi. Har bir qo'lga kiritgan yutuq zahirida va oliyjanob xalqimizning mashaqqatli mehnati hamda ta'lim tizimida olib borilayotgan islohotlarning samarasi yotadi.

Bugun demokratik tamoyillarga asoslangan Yangi O'zbekistonni barpo etar ekanmiz, bunda eng avvalo, bebaho boyligimiz bo'lgan tinchlik va barqarorligimizga shukrona keltirishimiz, va uni mustahkamlash yo'lida faoliyat yuritayotgan ichki ishlar xodimlari faoliyatini alohida e'tirof etmog'imiz darkor. Zero, Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek, "Agar davlat tayanadigan asosiy ustun qonun bo'lsa, uning kuchini amalda namoyon etadigan eng samarali tizim bu – ichki ishlar sohasi, desak, ayni haqiqat bo'ladi" [2. B. 5]. Shubhasiz ushbu e'tiroflar ichki ishlar xodimlarining qonun ustuvorligini ta'minlash yo'lida

fidoyiligini oshirishga, ularning o'z professionlligi va salohiyatini oshirishiga xizmat qiladi.

Tadqiqotimiz mazmunidan kelib chiqqan holda, ichki ishlar organlari faoliyati samaradorligi mezonlarining asosi bu – jamoatchilikning ichki ishlar xodimlariga ishonchi va fuqarolarning qo'llab-quvvatlashidadir deb aytsak xato bo'lmaydi. Zero, tadqiqotlarda ta'kidlanganidek, "jamoatchilik fikri ichki ishlar organlarining fuqarolar orasidagi obro'sini aks ettiruvchi jarayondir" [3. B. 9-13].

Tadqiqotlarda qayd etilganidek, kasbiy-axloqiy madaniyat ko'pincha kasbiy faoliyat kontekstida ko'rib chiqiladi. Chunonchi, ichki ishlar xodimlarining kasbiy-axloqiy madaniyatining o'ziga xos xususiyatlari ham huquqni muhofaza qilish tizimida qabul qilingan qarorlarning umuminsoniy va kasbiy qadriyatlar bilan o'zaro bog'liqligini o'zida mujassamlashtirgan holda rasmiy axloq qoidalariga rioya qilish hamda normativ ijtimoiy me'yorlarga amal qilishda namoyon bo'ladi. Shuningdek, kasbiy-axloqiy madaniyat ichki ishlar xodimlari faoliyatining mazmuni, ularning shaxsiy-axloqiy, ijtimoiy-kognitiv va huquqiy-kommunikativ sifatlarini namoyon etadi.

Xulosa qilib aytganda, ichki ishlar xodimlarining ijtimoiy-professionallik omillarini rivojlantirishda qo'shimcha kasbiy ta'lim tizimi yoki qayta tayyorlash va malaka oshirish tizimining ahamiyati katta bo'lib, ularning zamonaviy huquqiy bilimlarni boyitish, kasbiy faoliyatning zamonaviy usullari va vositalarini o'rgatishda qolaversa o'z-o'zini rivojlantirish va professional kadr sifatida yuqori pog'onaga ko'tarilishida davriy malaka oshirishning o'rni beqiyosdir. Ichki ishlar organlari xodimlarining kasbiy-axloqiy madaniyatini oshirish, huquqni muhofaza qilish organlari madaniyatini oshirib borishdagi muhim qadamlardan biridir.

Jamiyat taraqqiyotida kasbiy-axloqiy madaniyatni rivojlantirishning ijtimoiy-falsafiy ahamiyati shundaki u me'yoriy hujjatlarda qayd etilganidek har bir kasb egasini vatanparvarlik ruhida tarbiyalasa, huquqni muhofaza qilish organlari faoliyatida ularning qonunlarga rioya qilish va qadriyatlarga sodiqlik, kasbiy-axloqiy madaniyatini umuman huquqni muhofaza qilish faoliyatining atributiv xususiyatlarini o'zida namoyon etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Ijtimoiy ish etikasi. Mualliflar jamoasi // Darslik. – T.: «Fan va texnologiya», 2015, - B. 9. (432).
2. Ichki ishlar organlari xodimlarining kasbiy madaniyat va xizmat intizomi kodeksi. Toshkent: Adolat, 2024. – B. 64.
3. Тимко С.А. Общественное мнение о деятельности органов внутренних дел // Психопедагогика в правоохранительных органах. - 2005. - № 1. - С. 9-13.

REZYUME

Mazkur maqolada davlat boshqaruvidagi ichki ishlar xodimlari kasbiy madaniyati tarbiyasining ijtimoiy-falsafiy ahamiyati masalasi yoritilgan. Davlat boshqaruvidagi ichki ishlar xodimlarining kasbiy-axloqiy madaniyatini tarbiyalash ichki ishlar organlari faoliyati samaradorligining mezonlaridan biridir.

В данной статье рассмотрены социально-философская значимость развития профессиональной культуры сотрудников внутренних дел в органах государственного управления. Развитие профессиональной и этической культуры сотрудников органов внутренних дел в органах государственного управления является одним из критериев эффективности органов внутренних дел.

This article examines the socio-philosophical significance of the development of professional culture of internal affairs officers in government bodies. Development of the professional and ethical culture of internal affairs officers in the state administration is one of the criteria for the effectiveness of internal affairs bodies.

- 14 феврал – 3.М. БОБУР туғилган кун

Фируза МАТЯҚУБОВА,
Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети
Махсус фанлар цикли ўқитувчиси, майор

Ўзининг бетакрор илмий ва ижодий мероси билан миллатимиз, халқимизни бутун дунёга тараннум этган буюк аجدодимиз – Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасини абадийлаштириши мақсадида Янги Андижон шаҳарчасига – Бобур шаҳри деб ном берамиз. Ҳазрати Бобур – жаҳон тарихида камдан-кам учрайдиган шундай беназир, улуг зотки, унинг шарафига нафақат кўча ва майдонлар, боғу роглар, балки алоҳида шаҳар бунёд этсак, албатта арзийди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР – ДИЛБАР ШАХС

Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган Заҳириддин Муҳаммад Бобур адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат ва жамоат арбоби, атоқли саркарда ҳисобланади. Бобур кенг дунёқараши ва мукамал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида улуғланади ҳамда сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис алломалари қаторидан ўрин олди.

Бобурнинг отаси – Умаршайх Мирзо Фарғона вилояти ҳокими, онаси – Қутлуғ Нигорхоним Мўғулистон хони – Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи эди. Бобурнинг онаси ўқимишли ва оқила аёл бўлиб, Бобурга ҳокимиятни бошқариш ишларида фаол кўмак берган, ҳарбий юришларда унга ҳамроҳлик қилган.

Бобурнинг асл сиёсий мақсади Амир Темур давлатининг пойтахти, стратегик ва географик жиҳатдан муҳим бўлган Самарқандни эгаллаш ва

Мовароуннахрда марказлашган кучли давлатни сақлаш, мустаҳкамлаш ҳамда Амир Темур салтанатини қайта тиклашдан иборат эди. Бу пайтда, қисқа муддат ичида Самарқанд тахтига учинчи ҳукмдор келган, Султон Аҳмад Мирзо вафоти (1494 йил июль)дан кейин тахтга ўтирган Султон Маҳмуд Мирзо Самарқандда давлатни 5-6 ойдан ортиқ идора эта олмади, чунки қисқа муддатли касалликдан сўнг 43 ёшида вафот этди. Унинг ўрнига Бухорода ҳоким бўлган ўғли Бойсунғур ўтирди. 1495-1496 йилларда Бобур Самарқандга икки марта муваффақиятсиз юриш қилди. 1497 йил кузида у Самарқанд атрофидаги бир қанча жойларни ҳамда 7 ойлик қамалдан сўнг Самарқандни эгаллайди, Бойсунғур Қундузга қочади. Шаҳар қамал туфайли ниҳоятда оғир кунларни бошидан кечирмоқда эди. Ҳатто, далага экишга дон ҳам топиш мушкул эди. Бобур қўшинни таъминлашда катта қийинчиликларга дуч келади. Навкарларидан айримлари Андижон ва Аҳси томон қочиб кетади, бунинг устига Андижонда қолган айрим беклар Бобурдан юз ўгириб, унинг укаси Жаҳонгир Мирзо тарафига ўтадилар.

Андижондан кўнгли нотинч бўлган ва иқтисодий қийинчиликларга учраган, айти замонда оғир хасталикни бошидан кечирган Бобуршоҳ Самарқандни юз кун идора этгандан сўнг, уни тарк этишга қарор қилади. Аммо Хўжандга етганда, Андижон ҳам қўлдан кетиб, муҳолифлар ихтиёрига ўтганини эшитади. Бобурнинг Тошкент ҳокими – тоғаси Маҳмудхон кўмагида Андижонни қайта эгаллашга уриниши натижа бермайди, бу муваффақиятсизлик эса Бобур қўшинига салбий таъсир этиб, кўпчилик бек, наварлар (700–800 киши) Бобурни тарк этади. Ўзига содиқ кишилар (200–300 нафар) билан қолган Бобур маълум муддат Хўжандда тургач, Тошкентга, яъни Маҳмудхон ҳузурига келади ва Андижонни қайтариб олиш режасини туза бошлайди. Маълум муддат ўтгач, Бобур Хўжандга қайтади, кўп ўтмай, Марғилонни қўлга киритади ҳамда Андижонни эгаллаш тadbирларини кўради. Ниҳоят, 2 йилдан сўнг (1498 йил июнь) уни қайта қўлга киритади. Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан сулҳ тузиб, унинг ихтиёрида «Хўжанд сувининг Аҳси тарафи вилоятларини...» қолдиради, Андижон тарафи вилоятларини ўз тасарруфига олади.

Самарқанднинг барча туманлари, Қарши ва Ғузор шаҳарларида Бобур ҳокимлиги эътироф этилади. Аммо шаҳарда озиқ-овқат захиралари тугаб,

очарчилик бошланган эди. Бундан хабар топган Шайбонийхон катта куч тўплаб, Самарқандга юриш бошлайди. 1501 йил апрелда Зарафшон бўйидаги Сарипул қишлоғи яқинида бўлган жангда Бобур қўшинлари енгилади, Бобур Самарқандга чекинади. Шаҳар яна қамал қилиниб, у тўрт ой давом этади. Қамалда қолган шаҳар аҳолисининг очликдан тинкаси қурийди, натижада Бобур 1501 йилнинг 2-ярмида ноиложликдан Самарқандни тарк этиб, Тошкентга, Маҳмудхон ҳузурига йўл олади.

Бобур Темурийлар салтанатини ҳимоя қилиш ва уни сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилиб, Шайбонийхонга қарши бир неча йил давомида муттасил кураш олиб борса-да, аммо мамлакатда ҳукм сурган оғир иқтисодий танглик ва сиёсий парокандалик шароитида ўз олдига қўйган мақсадига эриша олмайди.

Мирзо Бобур Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий вазият ва уруш ҳаракатларини кузатиб боради, ўз қўшинларини доимо шай тутати. Шайбонийхон Хуросоннинг йирик марказларини қўлга киритгач, Эронни забт этиш учун юриш бошлайди. Аммо, Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан қаттиқ тўқнашувда (1510) енгилади, ўзи ҳам Марвда ҳалок бўлади. Шоҳ Исмоил Хуросон ва Мовароуннаҳрга қўшин киритиб, шайбонийларга кетма-кет шикаст етказа бошлайди.

Бобур шоҳ Исмоил билан ҳарбий-сиёсий иттифок тузиб, 1511 йил баҳорида Ҳисорни, ёзида Бухорони, октябрь бошида эса Самарқандни яна қўлга киритади. Бобурнинг шиа мазҳабидаги эронийлар раъйи билан иш тутиши аҳолида норозилик туғдиради. 1512 йил 28 апрелда Кўли малик жангида Убайдулла Султон бошлиқ шайбонийлардан енгилган Бобур Ҳисор томон кетади. 1512 йил кузида Бобур шоҳ Исмоил юборган Нажми Соний лақабли лашкарбоши билан Балхда учрашиб, Амударёдан кечиб ўтиб, аввал Ҳузар (Ғузур) қалъасини олади, сўнг Қаршига юриш қилади, шаҳар узоқ муддатли қамалдан сўнг таслим бўлади, шаҳар ҳимоячилари қаттиқ жазоланади. 1512 йил 24 ноябрда Ғиждувон жангида Бобур шайбонийлардан яна енгилиб, Қобулга қайтишга мажбур бўлади, Мовароуннаҳрни эгаллаш илинжидан узил-кесил умидини узади ва бутун эътиборини Ҳиндистонга қаратади.

1519 йил баҳорига келиб Бобур Ҳиндистонни забт этиш режаларини амалга оширишга киришади ва кейинги 5-6 йил давомида бир неча

юришлар уюштиради. Ниҳоят, 1526 йил апрелда Панипатда асосий рақиби, Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилиқ қўшинини 12 минг кишилиқ аскар билан тор-мор қилади ҳамда Деҳлини эгаллайди. Орадан кўп ўтмай, иккинчи йирик ҳинд саркардаси Рано Санго устидан ҳам зафар қозониб, Шимолий Ҳиндистоннинг Бенгалиягача бўлган қисмини ўзига бўйсундиради. Агари ўзига пойтахт сифатида танлаган Бобур катта қурилиш ва ободончилик ишларини бошлаб юборади. Шу тариқа Бобур Ҳиндистонда уч ярим асрга яқин (332 йил) ҳукм сурган қудратли Бобурийлар сулоласига асос солади.

Бобур Ҳиндистонда ҳам худди Афғонистонда бўлганидек, кўплаб ижтимоий-хайрли ишларни амалга оширди, мамлакат тараққиётига жиддий таъсир кўрсатди. Тарқоқлик ва парокандаликка, ўзаро ички низо, қирғинларга барҳам бериб, вилоятларни бирлаштирди, марказлашган давлатни мустаҳкамлаш ва юртни ободонлаштиришга, илму ҳунар ва деҳқончиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Қурилиш ишларига бошчилик қилди.

Бобуршоҳ 18-19 ёшларида рубой ва ғазаллар ёза бошлаган. Унинг «*Топмадим*» радифли ғазали ва «*Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши*» мисраси билан бошланувчи рубойи ўша йиллардаги ҳаёти билан боғлиқ.

Бобурнинг улкан санъаткорлиги шундаки, шахсий кечинмаларини жиддий умумлашма даражасига кўтара олади ва натижада асарларида олға сурилган ғоялар умуминсоний кадриятлар даражасига кўтарилади. Бобур ижодида, хусусан, шеъриятида киндик қони тўкилган она юртини чин дилдан қўмсаш, унинг тупроғига талпиниш, ғариблик азобларидан ўтли ҳасрат, ёру диёр соғинчи ва висол илинжи, тақдир зарбалари ва турмуш уқубатлари, замона носозликларидан нола бадиий таҳлил этилади.

Бобур ижодида ишқ-муҳаббат, севги-садоқат, висол ва ҳижрон мавзуси ҳам салмоқли ўрин тутади. Унинг ғазал ва рубойларида, туюқ ва маснавийларида маъшуканинг мафтункор гўзаллиги, бекиёс ҳусну латофати, шарқона одобу ахлоқи, нозу қарашмаси енгил ва ўйноқи, мусиқий ва равон мисраларда катта маҳорат билан тараннум этилади. Ҳозирги пайтда унинг 119 ғазали, бир маснавий шеъри, 209 рубойи, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд

фардлари аниқланган. Девони тартибида умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган.

Ҳиндистон юришлари даври (1521 йил)да Бобур «*Мубаййин*» асарини яратди. Маснавий тарзида ёзилган, ислом ҳуқуқшунослиги ва шариат ақидаларига бағишланган бу асарда Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонга оид ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаёти бўйича қизиқарли маълумотлар ҳам жамланган. Валиаҳд Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга дастуруламал сифатида мўлжалланган «*Мубаййин*»да, айни замонда, намоз, закот ва ҳаж зиёрати тўғрисида ҳам шаръий мезонлар баён қилинган.

Маълумки, Бобурнинг тарихий, илмий ва адабий меросини ўрганиш ва оммалаштиришда Ўзбекистон, Тожикистон, Россия олимларининг фаолиятлари ҳам диққатга сазовордир. XIX-XX асрлар давомида Георг Кер, Н.Ильминский, О.Сенковский, М.Салье, Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев, Воҳид Зоҳидов, Яҳё Ғуломов, Рашид Набиев, Сабоҳат Азимжонов, Азиз Қаюмов каби алломаларнинг саъй-ҳаракатлари билан «**Бобурнома**» бир неча бор рус ва ўзбек тилларида чоп этилди, уларга сўзбоши ёзилди ва кенг китобхонлар оммасининг маънавий мулкига айлантирилди, унинг шеърлари ҳам бир неча бор нашр этилди.

Бобур ўзбек адабиётида ўзининг нозик лирик асарлари билан ҳам машҳурдир. Унинг ҳаёти ва адабий фаолияти Мовароуннаҳрда сиёсий ҳаёт ниҳоят мураккаблашган феодал гуруҳларнинг бошбодоклик ҳаракатлари авжига чиққан ва Темурийлар давлатининг инқироzi давом этаётган бир даврга тўғри келган эди. Бундай мураккабликлар инъикоси «**Бобурнома**»да намоён бўлса, шоир руҳиятида қандай акс этгани унинг шеърларида намоён бўлади. Мовароуннаҳрни бирлаштиришга уринишлари натижа бермагач, Бобур руҳан қийналган, амалдорларнинг хиёнатлари таъсирида умидсизликка тушган кезлардаги кайфияти шеърларида акс этган. Кейинчалик ўз юртини тарк этиб, Афғонистон ва Ҳиндистонга юз тутганда Бобур шеърлятида Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, унга қайтиш умиди мавж ура бошлади:

*Толеъ йўқки жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишниким, айладим хатолиг бўлди,
Ўз ерин қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қоролиг бўлди.*

Бобур ўз лирик шеърларида ҳар доим одамларни яхшиликка, адолат, инсонпарварликка, юксак инсоний туйғуларни қадрлашга чақиради:

*Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиг ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.*

...1526 йил 21 декабрда Бобурга қарши суиқасд уюштирилди. Маҳв этилган Иброҳим Лўдийнинг онаси ошпазлар билан тил бириктириб, унинг овқатига заҳар қўштиради. Шунинг асоратими ёки кўп йиллик машаққатли ва қўнимсиз ҳаёт таъсирими, ҳар ҳолда кейинги йилларда Бобур тез-тез касалга чалиниб турарди. 1527 йил октябрда Бобур яна хасталикка учрагач, умрининг охирлаб қолганини ҳис этади. Шунда Бобур ўзи эътиқод қўйган Хожа Аҳрор Валийга ихлос билан унинг насрда битилган «Волидия» асарини шеърӣ таржима қилади.

Бобурнинг моҳир таржимон сифатидаги қобилияти намоён бўлган 243 байтли бу асар катта ижодий илҳом билан жуда қисқа муддатда якунланган. Бобурнинг ўз эътирофича, таржима тугаши ҳамоноқ батамом соғайиб кетган ҳамда «Бобурнома» фасллари устида ишлашни давом эттирди, янги-янги ғазал-рубойлар яратди, ўз ибораси билан айтганда, «Ҳиндистонга келгали айтқон ашъорни» тартибга солиб, шунингдек, «Волидия» таржимасини, «Хатти Бобурий» билан битилган намуна ва қитъаларни Мовароуннаҳр ва Афғонистонга, Ҳумоюн, Хўжа Калон, Ҳиндол ва бошқаларга юборди. Ҳумоюн Мирзога аталган ижтимоӣ-ахлоқий масалаларни таҳлил этувчи машҳур мактуби ҳам Бобур ижодий фаолиятининг ёрқин қирраларидан бири бўлди.

Бир неча муддат олдин подшоҳликни Ҳумоюнга топширган Бобур 47 ёшида ўзи асос солган салтанат пойтахти Аграда вафот этди ва ўша ерга дафн этилди, кейинчалик (1539 йил) унинг васиятига мувофиқ хоки Қобулга келтирилиб, ўзи бунёд эттирган «Боғи Бобур»га қўйилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Бобур Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, ўз юртида ҳақиқий қадр-қиммат, шон-шавкат топди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра, Бобур таваллудининг 510 йиллиги 1993 йилда тантанали равишда нишонланди ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур сиймосини абадийлаштириш мақсадида

Андижон шаҳрида университет, театр, кутубхона, миллий боғ («*Боғи Бобур*»)га унинг номи билан аталади. Бобур миллий боғи мажмуасида «*Бобур ва жаҳон маданияти*» музейи, шоирнинг рамзий қабр-мақбараси бунёд этилган. Шаҳар марказида (муаллифи Равшан Миртожиев) ва Бобур боғидаги ёдгорлик мажмуида (муаллифи Қодиржон Салоҳиддинов) шоирга ҳайкал ўрнатилди. Андижондаги марказий кўчалардан бирига, шунингдек Тошкентдаги истироҳат боғи ва кўчага, Андижон вилояти, Хонобод шаҳридаги истироҳат боғига Бобур номи берилди.

РЕЗЮМЕ

Буюк саркарда Бобуршоҳнинг ҳаёти, Самарқанддаги сиёсий келишмовчиликлар, Афғонистонни забт этиши, Ҳиндистонда «*Бобурийлар сулоласи*»га асос солиши, «*Бобурнома*» асари ҳамда бошқа тарихий асарлари моҳияти абадул-абад яшайди. Мақола таҳлили шунга қаратилган.

Великий полководец Бабуршах, его политические разногласия в Самарканде, его визит в Афганистан, основание династии Бабура в Индии, суть произведения «Бобурнома» и других исторических трудов будут жить вечно. Об этом описывает данная статья.

The life of Z.M. Babur, political disagreements in Samarkand, his visit to Afghanistan, the foundation of the Babur dynasty in India, the essence of the work "Boburnoma" and other historical works.

АЛЛОМА АБУ НАСР ФОРОБИЙ ДЕЙДИЛАРКИ:

1. Бахтга эришининг бирдан бир йўли барча эзгу ишларни хайрли ниятлар билан бажариш, фазилатли амалларга таяниш ва разолатдан воз кечишдадир.
2. Маърифат бахт ва камолот сари қўйилган биринчи қадамдир.
3. Руҳни тарбиялаш ва поклаш изчил давом этсагина, яхши натижаларга эришиш мумкин.
4. Табиб баданни даволашга киришганидек, раҳбар аҳоли орасидаги ахлоқий беморларни даволашга киришиши керак.

Шерзод УБАЙДУЛЛАЕВ,
Малака ошириш институти Махсус фанлар цикли
ўқитувчиси, майор

ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ – ДАВР ТАЛАБИ

1. Қонунлар ва ҳуқуқий бузилишлар: Жамиятда шахсларнинг ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари бўлиши мумкин, масалан, меҳнат ҳуқуқлари, таълим олиш ҳуқуқи ёки шахснинг шахсий ҳавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар. Бу ҳолатлар жамиятда норозиликка, ҳар қандай турдаги ижтимоий ва сиёсий қарама-қаршиликларга олиб келиши мумкин.

2. Жамиятдаги ижтимоий тафовутлар: Жамиятда шахслар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий фарқлар жамиятда тенгсизликларга, носоҳа бўлишларга, ижтимоий аразларга олиб келиши мумкин. Бу шахсларнинг ўзаро муносабатларидаги муаммоларни янада чуқурлаштиради.

3. Шахсларнинг ижтимоий талабларини ечиш: Жамият шахсларнинг талабларига тўла жавоб беришда ҳар доим муаммоларга дуч келиши мумкин. Масалан, камбағаллик, ишсизлик ёки таълимга бўлган эҳтиёжлар ҳамда ижтимоий хизматларнинг етишмаслиги шахсларнинг жамиятга бўлган ишончига таъсир қилиши мумкин.

Жамият ва шахслар ўртасидаги муносабатлар мувозанатни талаб қилади. Жамият шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилса, шахслар ҳам жамиятга фойдали фаолият билан киришишлари керак. Ушбу ўзаро таъсир ва мувофиқлаштириш жамиятнинг барқарорлиги ва тараққиёти учун муҳимдир.

Ўзбекистонда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар бир неча ўзгариш ва ривожланиш жараёнлари орқали шаклланиб, давлатнинг демократиклашуви, ижтимоий ислохотлар ва иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ. Ҳар бир соҳадаги ўзгаришлар шахснинг ҳуқуқлари, жамиятнинг барқарорлиги ва давлатнинг сиёсатларига таъсир қилган ва аксинча, уларнинг ўзаро алоқалари мураккаб ва динамик ҳолда ривожланган.

Д. МУАММОНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ:

• **Қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари:** Ўзбекистон Конституциясида шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланган. Шахс жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзини ҳимоя қилиш ва давлатдан адолатли муносабатлар талаб қилиш ҳуқуқига эга. Давлат эса, шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни қонунлар билан таъминлашга масъулдир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда.²

• **Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар:** Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар шахслар ва жамиятнинг ҳаётига таъсир қилмоқда. Ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан ривожланишини таъминлашга ёрдам беради.

• **Фуқаролик жамиятининг ривожи:** Фуқаролик жамиятининг ривожи ва давлатни бошқаришда фуқароларнинг фаол иштирокини

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 22.06.2020 йилдаги ПФ-6012-сон.

таъминлаш муҳим омиллардан бири бўлиб, бу жамиятнинг демократик асосларини мустаҳкамлашни таъминлайди.

Президент Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: «Жамият – ислохотлар ташаббускори» деган ғоянинг илгари сурилиши натижасида ҳукумат ислохотларни амалга оширишида фуқаролик жамияти институтларини иттифоқчи сифатида кўра бошлади.

Хулоса: Ўзбекистонда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар турли ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий омилларга боғлиқ. Давлатнинг шахсларга ва жамиятга бўлган мажбуриятлари ва уларнинг муносабатлари Конституция ва қонунлар орқали аниқ белгиланган. Шу билан бирга, жамиятнинг давлатга бўлган таъсири ва шахснинг ижтимоий ҳаётидаги фаолияти ҳам жамиятнинг тараққиётига таъсир кўрсатади. Демократик жараёнлар ва инсон ҳуқуқлари жамиятдаги барқарорликни таъминлаш учун асосий омиллардир.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада шахс, жамият ва давлат тушунчаси, уларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатлари ҳамда муаммолари таҳлил этилди. Янги Ўзбекистонда шахс, жамият ва давлат демократик жараёнларнинг асосий омили эканлиги асослаб берилган.

В данной статье анализируются понятия личности, общества и государства, их взаимоотношения и проблемы в этих отношениях. Сегодня доказано, что личность, общество и государство являются главными факторами демократических процессов в нового Узбекистане.

This scientific article analyzes the concepts of personality, society and state, their relationships and problems in these relationships. Today it has been proven that the individual, society and state are the main factors of democratic processes in Uzbekistan.

Sherzod RAYIMOV,
Qoraqalpoq davlat universiteti mustaqil izlanuvchisi

**ICHKI ISHLAR ORGANI XODIMINING XIZMATNI O'TASHI
VA TARTIBGA SOLUVCHINING AYRIM NORMATIV-HUQUQIY
TAHLILIGA DOIR**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-son Farmoni bilan tasdiqlangan *“2017 — 2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi”*ning *“Jinoyatchilikka qarshi kurashish va huquqbuzarliklarning oldini olish tizimini takomillashtirish”* ko'zda tutilgan 2.4-bandi doirasida huquqbuzarliklarning oldini olish tizimiga, jinoyatchilikka qarshi kurashish va jamoat tartibini saqlash bo'yicha ichki ishlar organlarining faoliyatini tubdan takomillashtirishga alohida e'tibor qaratildi. Bu borada qabul qilingan ichki ishlar va Milliy gvardiya organlarining jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta'minlash faoliyatini huquqiy tartibga solishda asosiy o'rin tutadigan quyidagi hujjatlar – O'zbekiston Respublikasi Prezidentining *“Toshkent shahrida jamoat tartibini saqlash, huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurashishning sifat jihatidan yangi tizimini joriy etish to'g'risida”*gi PQ-3528-son (2018-yil 14-fevral), *“Toshkent shahrida jamoat tartibini ta'minlash, huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurashish samaradorligini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”*gi PQ-3786-son (2018-yil 19-iyun) va *“Jamoat xavfsizligini ta'minlash samaradorligini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”*gi PQ-4075-son (2018-yil 24-dekabr) qarorlari mamlakatimiz poytaxti Toshkent shahrida ichki ishlar organlarining jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta'minlash bo'linmalari faoliyatini samarali tashkil etish, ular faoliyatiga ilg'or ish usullari va zamonaviy texnologiyalarni keng joriy etishda muhim ahamiyat kasb etdi.

Aytish joizki, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-3528-son (2018-yil 14-fevral) qarori bilan Toshkent shahrida qayta tashkil etilgan ichki ishlar bo'limlari zimmasiga sektorlar hududlarida jamoat tartibini saqlashni amalga oshirish uchun javobgarlik yuklatilib, ularning rahbarlariga hududga

biriktirilgan patrul-post xizmati naryadlarining kundalik dislokatsiyasini belgilash huquqi berildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-3786-son (2018-yil 19-iyun) qarori asosida Toshkent shahrida jamoat tartibini ta'minlashning yangicha tizimini nazarda tutadigan "*Xavfsiz poytaxt*" konsepsiyasi joriy etilib, soat 16:00 dan 8:00 ga qadar vaqt oralig'ida ichki ishlar organlari, Milliy gvardiya saf bo'linmalari jamoat tartibini ta'minlash kuchlarining kamida 70 foizini, shuningdek, jamoatchilik vakillarini jalb qilish orqali tunu-kun uch smenali patrul rejimi yo'lga qo'yildi. Bu bilan ichki ishlar organlari tizimida ilk marotaba sinov tariqasida xizmat o'tashning uch smenali patruli rejimi tashkil etildi.

Shuningdek, qaror bilan patrullik qilish uchun biriktirilgan hududda jamoat tartibini buzish holatlari mavjud emasligi, ularning o'z vaqtida oldi olinishi va ularga chek qo'yilishi sutkaning kechki va tungi vaqtida xizmat olib borayotgan jamoat tartibini ta'minlash kuchlari faoliyatini baholashning eng muhim mezonlari hisoblanishi belgilandi. Konsepsiyani amalga oshirish doirasida jamoat tartibini ta'minlash kuchlarini muvofiqlashtirish va aloqa mobil markazlarining faoliyat yuritishi amaliyoti joriy etildi va ular ichki ishlar bo'limlari xizmat ko'rsatish hududlariga biriktirildi.

Toshkent shahrining har bir mahallasida "Fidokor yoshlar" jamoatchilik patrul guruhlari tashkil etildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Toshkent viloyatida huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari kuch va vositalarini boshqarishning sifat jihatdan yangi tizimini joriy etish to'g'risida"gi PQ-4343-son (2019-yil 29-may) qarori Toshkent viloyatida jamoat tartibini saqlash, huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurashishning sifat jihatdan yangi bosqichga o'tish, shuningdek, ichki ishlar va Milliy gvardiya organlari jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta'minlash bo'linmalarining kuch va vositalarini nazorat qilish va boshqarishning samarali tizimini joriy etishda muhim ahamiyat kasb etdi. Xususan, mazkur qarorga muvofiq, Toshkent viloyati ichki ishlar organlari jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta'minlash bo'linmalari kundalik xizmat o'tashlari bevosita mintaqalar bo'yicha taqsimlanadi. Mintaqaviy hududlar rahbarlariga patrul-post xizmati naryadlarining kundalik joylashuvini belgilash huquqi berildi. Toshkent viloyati tuman (shahar)larida

Milliy gvardiya va ichki ishlar organlarining jamoat tartibini ta'minlash kuchlari tarkibida birgalikda patrullik xizmatini o'tash tartibi joriy qilindi.

Jamoat xavfsizligini ta'minlash, jinoyatchilikka qarshi kurashish va huquqbuzarliklar profilaktikasining yaxlit tizimini shakllantirish, ichki ishlar organlarining eng quyi bo'g'inidan respublika darajasigacha samarali faoliyatini yo'lga qo'yish va zamonaviy ish uslublarini joriy etish orqali mamlakatimizda huquq-tartibot va qonuniyligni mustahkamlash, aholining tinchligi va osoyishtaligini ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining: *"Jamoat xavfsizligini ta'minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish chora-tadbirlari to'g'risida"*gi PF-6196-son (2021-yil 26-mart) farmoni qabul qilindi.

Farmonga binoan ichki ishlar organlarining jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta'minlash faoliyatini tashkil etishning mutlaqo yangi mexanizmlari belgilandi.

Jamoat xavfsizligini ta'minlash bo'yicha o'rnatilayotgan yangi mexanizmlarning samarali amalga oshirilishini ta'minlashda ichki ishlar organlarining roli va mas'uliyatini yanada oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining *"Ichki ishlar organlarining jamoat xavfsizligini ta'minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasidagi faoliyatini yanada takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"*gi PQ-5050-son (2021-yil 2-aprel) qarori qabul qilindi.

Qarorga muvofiq, Toshkent shahri va Toshkent viloyati ichki ishlar organlarining jamoat xavfsizligini ta'minlash borasidagi faoliyatini samarali tashkil etish maqsadida yangi boshqaruv tizimi joriy etildi¹. Ushbu qaror bilan *"Ichki ishlar organlarida ma'naviy-ma'rifiy ishlarni tashkil etish konsepsiyasi"* tasdiqlandi. Konsepsiyada ichki ishlar organlarida ma'naviy-ma'rifiy ishlarni samarali tashkil etish tizimini yanada takomillashtirish, xodimlarning ma'naviy salohiyati va mafkuraviy immunitetini kuchaytirish, ularning ongida Vatan taqdiri hamda kelajagi uchun daxldorlik tuyg'usini yanada mustahkamlash kabi ulug' maqsadlar o'z aksini topgan.

Mazkur konsepsiyani amalga oshirish doirasida quyidagilar, ya'ni:

¹ Sadullaev T.Sh. Jamoat xavfsizligini ta'minlashda milliy gvardiya bo'linmalari hamda ichki ishlar organlari o'zaro hamkorligining ayrim jihatlari. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – SJIF: 5.947, ISSN 2181-1784, Volume 2, Issue 12. – February 2022. – B. 288.

- ichki ishlar organlari xodimlarining ma'naviy va intellektual salohiyatini yuksaltirish ishlarini "Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!" konseptual g'oyasi asosida tashkillashtirish;

- ichki ishlar organlarining xodimlarida mamlakatda tinchlik va osoyishtalikni ta'minlash, fuqarolarning huquq va erkinliklarini muhofaza qilish kabi oliy mas'uliyat tuyg'usini shakllantirish maqsadida har bir hududiy ichki ishlar organlarida "vatanparvarlik burchagi"ni tashkil etish;

- ichki ishlar organlari shaxsiy tarkibi bilan ishlash sohasining ustuvor yo'nalishi sifatida ma'naviy-ma'rifiy ishlar belgilandi.

Konsepsiyada "*Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!*" konseptual g'oyasining asosiy mazmun-mohiyati fuqarolarning tinchligi va mamlakatda qonun ustuvorligini ta'minlash uchun har qanday huquqbuzarlikka qarshi kurashishda o'z jonini ayamaydigan, vatanparvarlik, fidoyilik, sadoqat va halollik fazilatlariga ega xodimlarni shakllantirishdan iboratligi² belgilangan. Demak, ushbu mantiqqa ko'ra ichki ishlar organlarida xizmat o'taydigan xodimlar va harbiy xizmatchilarning umumiy dunyoqarashi, siyosiy ongi, ma'naviy va intellektual salohiyati yuksak, shuningdek vatanparvarlik, g'urur, iftixor, kasbga nisbatan sadoqat va yuqori mas'uliyat hislari bo'lmog'i lozim.

Biroq yuqorida sanab o'tilgan fazilatlarni ichki ishlar organlarida xizmatni o'tash davrida shakllantirilishini maqsadga muvofiq emas deb hisoblaymiz. Sababi ichki ishlar organlaridagi xizmatni aynan shunday fazilatga ega bo'lgan xodimlar o'tashi lozim. Buning uchun esa xizmatga qabul qilinganidan keyin xodimda bu kabi fazilatlarni shakllantirish emas, balki shunday fazilatlarga ega nomzodlarni ichki ishlar organlariga tanlab olish zarur hisoblanadi. Shu bois, nomzodlarni tanlash va ichki ishlar organlarida xizmatni o'tashga qabul qilishning tashkiliy-huquqiy mexanizmini qayta ko'rib chiqish talab etiladi.

Shuning uchun, ichki ishlar organlarida xizmatni o'tashga umumiy dunyoqarashi, siyosiy ongi, ma'naviy va intellektual salohiyati yuksak, fuqarolarning tinchligi va mamlakatda qonun ustuvorligini ta'minlash uchun har qanday huquqbuzarlikka qarshi kurashishda o'z jonini ayamaydigan,

² O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 2-apreldagi "Ichki ishlar organlarining jamoat xavfsizligini ta'minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasidagi faoliyatini yanada takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-5050-son qarori // Elektron manba: <https://lex.uz/docs/-5353841> (murojaat vaqti: 05.10.2024).

vatanparvarlik, fidoyilik, sadoqat va halollik fazilatlariga ega nomzodlarni qabul qilish, xizmatni o'tash jarayonida esa mazkur fazilatlarini yanada rivojlantirish kerak bo'ladi xolos. Bu esa *"Ichki ishlar organlarida xizmatni o'tash tartibi to'g'risidagi nizom"*ning 3-banida belgilangan xizmatni o'tash tartiblari tizimiga *"xodimlarning ma'naviy, axloqiy, kasbiy bilimlari hamda harbiy, jangovar va jismoniy tayyorgarligini oshirish"* masalasiga doir tartib bilan kengaytirish zarurati mavjudligini ko'rsatadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining ichki ishlar organlarida xizmatni o'tash va uni samarali tashkil etish bilan bog'liq eng asosiy normativ-huquqiy hujjati – 2017-yil 29-noyabrdagi *"Ichki ishlar organlari kadrlari bilan ishlash va ularning xizmatini tashkil etish tartibini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"*gi PQ-3413-son qarori³ hisoblanadi.

Biroq mazkur qaror hamda u bilan tasdiqlangan "Ichki ishlar organlarida xizmatni o'tash tartibi to'g'risida"gi Nizom tahlil qilinganida quyidagi ayrim kamchilik va muammolar mavjudligi ko'zga tashlandi:

Birinchisi, Qarorning 9-bandi bilan O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining xizmat intizomi va benuqson uzluksiz xizmati uchun tashabbuskor va vijdonli xodimlarni taqdirlash maqsadida I, II va III darajali *"Ichki ishlar organlarida benuqson xizmatlari uchun"* idoraviy ko'krak nishonini ta'sis etish haqidagi taklifi ma'qullangan. Biroq na qarorda va na *"Ichki ishlar organlarida xizmatni o'tash tartibi to'g'risidagi nizom"*da *"Ichki ishlar organlaridagi benuqson xizmat"* tushunchasiga oydinlik kiritilmagan. Ushbu ko'krak nishonini tasis etish to'g'risidagi buyruqda esa xizmatning benuqsonligiga emas, balki ichki ishlar organlarida 15, 20, 25 yil xizmatni o'tayotganligiga urg'u berilgan.

Shu boisdan, ayni paytda xodimlarni mazkur ko'krak nishoni bilan taqdirlashda adolatli, shaffof va optimal mezon mavjud emas. Buni ushbu ko'krak nishoni bilan taqdirlangan xodimlarning taqdirlangunga qadar bosib o'tgan xizmat faoliyati natijalari tahlilida ham ko'rish mumkin.

Yuqoridagilarni inobatga olib, *"Ichki ishlar organlarida xizmatni o'tash tartibi to'g'risidagi nizom"*da I, II va III darajali *"Ichki ishlar organlarida benuqson xizmatlari uchun"* idoraviy ko'krak nishonini ichki ishlar organlaridagi belgilangan 15, 20 yoki 25 yillik xizmat faoliyati davomida

³ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 29-noyabrdagi *"Ichki ishlar organlari kadrlari bilan ishlash va ularning xizmatini tashkil etish tartibini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"*gi PQ-3413-son qarori // Elektron manba: <https://lex.uz/uz/docs/3430641> (murojaat vaqti: 12.10.2023-yil).

intizombuzarlik yoki huquqbuzarlik holatlari uchun biron marta jazolanmagan xodimlarga avtomatik tarzda berishga oid qoidani belgilash maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Ikkinchisi, “Ichki ishlar organlarida xizmatni o‘tash tartibi to‘g‘risidagi nizom”ning 2-bandida “Ichki ishlar organlaridagi xizmat davlat xizmatining turi bo‘lib, fuqarolarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini, jismoniy va yuridik shaxslarning mulkini, konstitutsiyaviy tuzumni himoya qilish, qonun ustuvorligini, shaxs, jamiyat va davlat xavfsizligini ta‘minlash, shuningdek huquqbuzarliklarning oldini olish va profilaktikasi bo‘yicha vazifalarni amalga oshirishdan iborat” ekanligi bayon etilgan.

Mazkur band mazmuniga ko‘ra, ichki ishlar organlaridagi xizmat muayyan vazifalarni amalga oshirishdan iborat. Bu vazifalarni shakllantirishda esa “Ichki ishlar organlari to‘g‘risida”gi qonunning 2-moddasida belgilangan “Ichki ishlar organlarining asosiy vazifalari”dan nusxa olingan. Ushbu normada vazifa sifatida keltirilgan “fuqarolarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish” qonunning 4-moddasida qayd etilgan ichki ishlar organlari faoliyatining asosiy yo‘nalishlaridan biri sifatida ham keltirilgan.

Ushbu vaziyatda ichki ishlar organlarining “asosiy vazifalari” va “faoliyatini asosiy yo‘nalishlari” o‘rtasidagi tafovutni belgilashda chalkashlik yuzaga kelgan.

Qolaversa, qonunning 4-moddasida keltirilgan ichki ishlar organlari faoliyatining asosiy yo‘nalishlarini mazmun va shakli bo‘yicha “yo‘nalish” emas, balki “vazifa” sifatida talqin etilishi maqsadga muvofiq hisoblanadi. Chunki, yo‘nalishlar qisqa va aniq bayon etilishni talab etadi. Shu tariqa “Ichki ishlar organlari to‘g‘risida”gi qonunning 2 va 4-moddalarini quyidagi mazmundagi yangi tahrirda bayon etish taklif etiladi:

“2-modda. Ichki ishlar organlarining asosiy vazifalari.

Ichki ishlar organlari faoliyati davomida quyidagi asosiy vazifalarni amalga oshiradi:

*fuqarolarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish;
jinoyatchilik va terrorizmga qarshi kurashish, shu jumladan terrorchilik harakatlariga chek qo‘yishda hamda garovga olinganlarni ozod qilishda ishtirok etish yo‘li bilan kurashish, shuningdek odam savdosiga qarshi kurashish;*

huquqbuzarliklarning sabablarini va sodir etilishiga imkon berayotgan shart-sharoitlarni aniqlash hamda bartaraf etish, huquqbuzarliklarni sodir etishga moyil shaxslarni aniqlash;

ehtiyot choralari, jinoiy jazoni va jinoiy-huquqiy ta'sir ko'rsatishning boshqa choralari ijro etish, shuningdek shaxslarni qidirish bo'yicha ishlarni tashkil etish;

pasport tizimi talablarining bajarilishini ta'minlash, O'zbekiston Respublikasidan chiqish va unga kirish uchun zarur bo'lgan hujjatlarni, doimiy va vaqtincha yashash uchun ruxsatnomalarni berishga hamda rasmiylashtirishga doir ishlarni, pasport tizimiga va O'zbekiston Respublikasi hududida bo'lish qoidalariga rioya etilishi ustidan nazorat qilishni amalga oshirish;

fuqaroviy va xizmat qurolining hamda uning o'q-dorilarining, sanoat uchun mo'ljallangan portlovchi materiallarning, shuningdek pirotexnika buyumlarining, giyohvandlik vositalarining, ular analoglarining, psixotrop moddalar va prekursorlarning muomalada bo'lishi sohasini nazorat qilish;

davlat ob'ektlarini, o'ta muhim, toifalangan ob'ektlarni va boshqa ob'ektlarni, jismoniy va yuridik shaxslarning mol-mulkini qo'riqlash;

litsenziyalash va ruxsat etish xususiyatiga ega hujjatlarni berish, shuningdek litsenziya va ruxsat etishga oid talablarga hamda shartlarga rioya etilishini nazorat qilish;

harbiy-safarbarlik ishlarini va fuqaro muhofazasi tadbirlarini amalga oshirish; qonun ijodkorligi faoliyatida hamda jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirishga doir ishlarda ishtirok etish.

4-modda. Ichki ishlar organlari faoliyatining asosiy yo'nalishlari.

Ichki ishlar organlarining faoliyati quyidagi asosiy yo'nalishlarda olib boriladi:

ichki ishlar organlari faoliyatini tashkiliy-tahliliy ta'minlash;

ichki ishlar organlari faoliyatini ma'naviy-ma'rifiy va kadrlar bilan ta'minlash;

ichki ishlar organlari faoliyatini moliya va moddiy-texnik ta'minlash;

ichki ishlar organlari faoliyatini axborot texnologiyalari va aloqa bilan ta'minlash hamda axborotni himoyalash;

transport va turizm ob'ektlarida xavfsizlikni ta'minlash;

jamoat tartibini saqlash va jamoat xavfsizligini ta'minlash;

ma'muriy huquqbuzarliklar to'g'risidagi ishlarni yuritish va tegishliligiga ko'ra ko'rib chiqish, ma'muriy jazolarni qo'llash to'g'risidagi qarorlarni ijro etish; huquqbuzarliklar profilaktikasini amalga oshirish; tezkor-qidiruv faoliyatini olib borish; tergovga qadar tekshiruv, surishtiruv va dastlabki tergovni amalga oshirish; ekspert-kriminalistika faoliyatini amalga oshirish; jinoiy jazolarni ijro etish; yo'l harakati xavfsizligini ta'minlash; migratsiya va fuqarolikni rasmiylashtirish; huquqiy statistika va tezkor-hisob ma'lumotlarini yuritish; kriminologik tadqiqotlar olib borish hamda ichki ishlar organlari faoliyatini ilmiy ta'minlash; jinoyatchilikka qarshi kurashda idoraviy, idoralararo va xalqaro hamkorlikni amalga oshirish".

Avvalgi paragraflarda ta'kidlanganidek, "Ichki ishlar organlarida xizmatni o'tash tartibi to'g'risidagi nizom"ning 3-bandida xizmat o'tashning doirasini belgilashda chalkashlik mavjud.

Shu boisdan ushbu Nizomning "Umumiy qoidalar"ga bag'ishlangan 1-bobiga alohida band kiritish va unda "Asosiy tushunchalar"ni qayd etish hamda bunda avvalgi paragrafda **"Ichki ishlar organlarida xizmatni o'tash" va "Ichki ishlar organlarida xizmat o'tash faoliyatini tashkil etish"** tushunchalariga berilgan ta'riflarni keltirib o'tish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Ushbu takliflarning inobatga olinishi, *birinchidan*, "xizmat o'tash" va "xizmat o'tashni tashkil etish" tartiblarini belgilovchi qonun va qonunosti normativ-huquqiy hujjatlardagi ziddiyat va bo'shliqlarning bartaraf etilishiga; *ikkinchidan*, "xizmat o'tash" va "xizmat o'tashni tashkil etish"ga doir munosabatlarni tartibga soluvchi qonun va qonunosti normativ-huquqiy hujjatlar normalarining o'zaro muvofiqligini ta'minlashga xizmat qiladi.

Uchinchisi, "Ichki ishlar organlarida xizmatni o'tash tartibi to'g'risidagi nizom"ning "Ichki ishlar organlarida xizmatga qabul qilish" masalalariga bag'ishlangan 2-bobida bir qator bo'shliq va mavhumlik mavjud ekanligi ko'zga tashlandi.

Mazkur bob tahlil qilinganida, bobdagi ilk bandlarda xizmatdagi o'ziga xos xususiyatlarni inobatga olgan holda, ichki ishlar organi xodimining

zamonaviy obrazi, boshqacha aytganda, kimlar ichki ishlar organlarida xizmat o'tashi, xizmatga qabul qilinayotgan nomzodlarga qanday talablar qo'yilishi hamda shu asosda xizmatga qabul qilish qanday usul, shakl va tartiblarda amalga oshirilishi kabi masalalarni mantiqiy ketma-ketlikda tartibga solish o'rniga, to'satdan targ'ibot-tashviqot, xususan "ochiq eshiklar kuni"ni o'tkazish masalalari bayon etilgan. Qolaversa, targ'ibot-tashviqotning ham maqsad va vazifalari aniq ko'rsatilmagan, ommaviy axborot vositalarida qabul va bo'sh lavozimlar to'g'risida e'lonlar joylashtirishni ko'rsatish bilan cheklanilgan.

Ma'lumki, odatda, ichki ishlar organi xodimlariga vijdonli, halol, mard, ehtiyotkor, aqlli, adolatli, mehribon, hurmatli, xushmuomala, muloyim, muvozanatli, mas'uliyatli, qonunlarni biladigan, to'g'ri, tezkor, "sotilmaydigan" bo'lish⁴ talabi qo'yiladi.

Shu o'rinda savol tug'iladi, yuqorida sanab o'tilgan ichki ishlar organi xodimiga xos bo'lgan fazilatlarni xizmatga qabul qilingan har qanday xodimda shakllantirish mumkinmi? Yoki aynan shu kabi fazilatlarga ega nomzodlarni tanlash va xizmatga qabul qilish zarurmi?

Arestotelning fikricha, axloqiy fazilat ruhning holati bo'la olmaydi, uni insonlarga tabiatning o'zi bermaydi, balki tabiat fazilatli bo'lishning imkoniyatlarini yaratadi, xolos⁵. Buyuk faylasufning ushbu yondashuvidan fazilatlar ijtimoiy hayotda shakllanish mazmunida xulosa qilish mumkin.

Darhaqiqat, xalqimiz orasida "qush uyasida ko'rganini qiladi" mazmunidagi maqol ommalashgan. Shu bois, aksariyat munosabatlarda, asosan quda-andachilikda mazkur maqolga amal qilishga harakat qilinadi.

Abu Hurayra roziyallohu anhudan rivoyat qilinishicha: "Rasululloh sollallohu alayhi vasallam: "Har bir go'dak fitratda tug'iladi. Bas, uni ota-onasi yo yahudiy yo nasroniy yoki ma'jusiylar qilib ulg'aytiradi", dedilar (Muttafaqun alayh).

Aqida kitoblarida "fitrat" oppoq qog'oz deya ta'riflanadi⁶. Demak, oq qog'ozga to'g'ri yoki noto'g'ri tarbiyani aks ettirish ko'pincha ota-onaga, oilaga bog'liq.

⁴ Эссе. «Современный образ сотрудника органов внутренних дел... Каков он?» // Elektron manba: <https://infourok.ru/esse-sovremennyj-obraz-sotrudnika-organov-vnutrennih-del-kakov-on-6431357.html> (murojaat vaqti: 12.04.2024).

⁵ Jalolova O'.K. Sharq va G'arb mutafakkirlarining ma'naviyaxloqiy kamolot haqidagi qarashlari // Elektron manba: https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/2_O_K_Jalolova.pdf (murojaat vaqti: 12.04.2024-yil).

⁶ Elektron manba: <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/3978> (murojaat vaqti: 12.04.2024-yil).

Shaxsning shakllanishi individlarning ijtimoiylashuvi jarayonida amalga oshadi⁷. Bunday vaziyatda shaxs madaniyati mukammal bo'lishi uchun o'zining ma'naviy-axloqiy fazilatlarini boyitib borishi, o'zini o'zi tarbiyalashi, nazorat qilish va boshqara olish, o'ziga o'zi tanqidiy yondasha bilish, dunyoqarashni kengaytirib, madaniy saviyasini yuksaltirib borishi kerak bo'ladi.

Abu Nasr Forobiyning ta'kidlashicha, Aflotun axloqiy fazilatlarini shakllantirishda inson adolatli, pok, jasur bo'lishga odat qilishi, insonda tug'ma, kuchli g'urur tuyg'usi bo'lmasa, u ruhini mashq qilib tarbiyalashi zarur. Tarbiyali odamlar o'z ruhlarini doimo quvonish, ortiqcha kulish, qattiq xafa bo'lish, ortiqcha qayg'urish kabi holatlarda mo'tadillik doirasidan chiqmaslikka majbur qila olishlari kerak, deb hisoblagan⁸.

Aynan shuning uchun ham ichki ishlar organlariga xizmat qabul qilishda nomzodga nisbatan kamida 3 ta yon qo'shnilarning yozma ravishda bergan tavsifi o'rganilishi belgilangan. Biroq so'nggi davrda ushbu tavsifnomalarga shunchaki rasmiyatchilik sifatida qarab kelinmoqda. Sababi qo'shnilar tomonidan berilgan tavsifnomalarning deyarli barchisida nomzodlar ijobiy tavsiflanadi. Chunki, nomzodga nisbatan noob'ektiv tavsif bergan qo'shniga nisbatan esa qonunchilik hujjatlarida belgilanmaganligi bois hech qanday ta'sir chorasini qo'llab bo'lmaydi. Bu holatni, hattoki, ta'lim muassasalari yoki mahalla idoralari tomonidan beriladigan tavsifnomalar mazmunida ham kuzatish mumkin. Bu masalaning **bir tomoni**. Masalaning **ikkinchi tomoni** shundaki, ichki ishlar organiga xizmatga qabul qilinadigan nomzodlarga qo'yiladigan talablar qonunchilik hujjatlarida aniq belgilanmagan. Qolaversa, mavjud talablarni umumiy va maxsus talablarga ajratish zarur. Chunki, umumiy talablar nomzodning ichki ishlar organi xizmatiga munosibligini belgilasa, maxsus talablar nomzodda ichki ishlar organlarining qaysi xizmatida faoliyat olib borish layoqatiga ega bo'lishi kerakligini anglatadi.

Bundan tashqari, ichki ishlar organlarida xizmatni o'tash bilan bog'liq quyidagi yo'nalishlardagi talablarni ishlab chiqib, qonunchilik hujjatlarida alohida-alohida aniq belgilash maqsadga muvofiq hisoblanadi:

⁷ Shaxs. Shaxs madaniyati // Elektron manba: <https://oyina.uz/kiril/teahouse/2560> (murojaat vaqti: 12.04.2024-yil).

⁸ Shaxs. Shaxs madaniyati // Elektron manba: <https://oyina.uz/kiril/teahouse/2560> (murojaat vaqti: 12.04.2024-yil).

birinchi yo‘nalish: ichki ishlar organiga xizmatga qabul qilinadigan nomzodlarga qo‘yiladigan talablarni;

ikkinchi yo‘nalish: Ichki ishlar vazirligi ta‘lim muassasalari bitiruvchilariga qo‘yiladigan talablarni;

uchinchi yo‘nalish: ichki ishlar organlarining har bir lavozimi bo‘yicha xodimlarga qo‘yiladigan talablarni.

Mazkur talablar ishlab chiqilib, ularning qonunchilik hujjatlarida belgilanishi va amaliyotga tatbiq etilishi *birinchidan*, tizimda kadrlarni tanlash, tayyorlash, joy-joyiga qo‘yish, qayta tayyorlash va malakasini oshirishni tizimli yo‘lga qo‘yish hamda o‘zaro uzviy bog‘liqligini ta‘minlash; *ikkinchidan*, ichki ishlar organlari xizmatiga nomzodlarni tanlashning optimal tizimni yaratish; *uchinchidan*, tizimda kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirishda ta‘limni aniq maqsadlarga yo‘nalishtirish hamda ta‘lim bosqichlarining uzviy aloqadorligini ta‘minlash; *to‘rtinchidan*, ichki ishlar organlarida kadrlar qo‘nimsizligiga barham berish, lavozimlarda munosib, malakali xodimlar xizmat qilishini yo‘lga qo‘yish kabi imkoniyatlarni beradi.

REZYUME

Maqolada ichki ishlar organlarida xizmatni o‘tash faoliyatini tartibga soluvchining normativ-huquqiy hujjatlari tahlil qilingan. Muallif mazkur normativ-huquqiy hujjatlarda kamchiliklar va ziddiyatlar mavjudligiga alohida e‘tibor qaratib, ularni bartaraf etish bo‘yicha ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalarni ilgari surgan.

В статье анализируются нормативные правовые документы, регулирующие прохождения службы в органах внутренних дел. Автор обратил особое внимание на наличие недостатков и противоречий в данных нормативных правовых документах и выдвинул научно обоснованные предложения и рекомендации по их устранению.

The article analyzes the regulatory legal documents regulating the activity of service in internal affairs bodies. The author paid special attention to the presence of shortcomings and contradictions in these regulatory legal documents and put forward scientifically based proposals and recommendations for their elimination.

Jasur KENJAYEV,
Malaka oshirish instituti katta o'qituvchisi,
podpolkovnik

INSON HUQUQLARINI HIMOYA QILISH BO'YICHA MILLIY INSTITUTLARNING BA'ZI SIYOSIY-HUQUQIY ASOSLARI

Jamiyatda inson huquqlari masalasi, uning ham nazariy va ham amaliy ahamiyati, uni amalga oshirishning tashkiliy asoslari yaratilgan bo'lsa-da, lekin mamlakatda inson huquqlari va erkinliklarini himoya qilish tashkilotlarining faoliyati prinsipial ahamiyatga egaligini ham inobatga olish kerak. Hozirgi kunga kelib O'zbekiston inson huquqlari bo'yicha 70 ta asosiy hujjatga qo'shilgan, BMT tomonidan qabul qilingan 10 ta xalqaro shartnomaning bevosita ishtirokchisidir. Milliy qonunchilik va huquqni qo'llash amaliyotiga xalqaro standartlarni tizimli va bosqichma-bosqich implementatsiya qilishning o'z modeli, insonning konstitutsiyaviy huquqlari va erkinliklariga rioya etilish monitoringi milliy tizimi shakllantirildi¹.

Istiqlolning dastlabki yillaridan jamiyatimizda inson huquqlarini himoya qilish borasida milliy qonunchiligimiz bilan belgilangan bir qator milliy institutlar, tashkilotlar faoliyati yo'lga qo'yildi. Jamiyatimizda inson huquqlari bo'yicha milliy institutlar tizimi tarkibiga bir qator milliy institutlar, xususan, O'zbekistonda inson huquqlari bilan shug'ullanuvchi qator davlat tashkilotlari, xususan, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Inson huquqlari bo'yicha vakili (Ombudsman), Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi, Xotin-qizlar qo'mitasi, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Amaldagi qonun² hujjatlari monitoringi instituti, Prezident huzuridagi tadbirkorlar huquqlarini himoya qilish bo'yicha vakil (Biznes-ombudsman), Bola huquqlari bo'yicha ombudsman instituti va bundan tashqari, inson huquqlarini himoya qiluvchi ko'plab NNT faoliyat olib bormoqda.

O'zbekiston xalqaro taraqqiyotning ilg'or an'alaridan kelib chiqib, inson

¹ Д.Базарова. “Инсон кадр-қиммати – энг олий қадрият” махсус ўқув модули. “Фуқаролик жамияти” умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий журнал. 2020, № 2 сон. 48-49-б.

² Inson huquqlari: darslik /A.R.Mo'minov, M.A.Tillabayev; mas'ul muharrir A.X.Saidov. -T.: Adolat, 2013. -B. 427.

huquqlarini himoya qilishda o'z sodiqligini ochiq bildirgani holda o'z hududida ularga rioya etish majburiyatini oldi hamda inson huquqlari va asosiy erkinliklarini himoya qilishning tashkiliy-huquqiy mexanizmini ishlab chiqdi. Mazkur mexanizmning asosiy elementi bo'lgan Oliy Majlisning Inson huquqlari bo'yicha vakili (Ombudsman) instituti tashkil etildi³.

O'zbekistondagi Ombudsman institutiga to'xtalishdan avval mazkur institut tashkiliy va xalqaro asoslariga qisqacha izoh berib o'tsak.

Ombudsman – so'zi shved tilidan olingan bo'lib, “xalq himoyachisi” degan ma'noni anglatadi. Ombudsman – inson huquqlariga amal qilinishini nazorat qilish uchun maxsus saylanadigan (yoki tayinlanadigan) mansabdor shaxs. Ular inson huquqlarini turli ma'muriy organlar tajovuzidan saqlashni maqsad qilib qo'yadi. Ular fuqarolarning murojaati yoki o'z tashabbusi bilan tekshiruv ishlarini yuritadi. Huquq buzilishlarini aniqlagan vaqtda, shu huquq buzilishi aybdori bo'lgan organga qonunsiz hujjat yoki harakatlarini bekor qilishini taklif etadi. Agar taklif bajarilmasa, u holda sudga yoki parlamentga murojaat qiladi⁴.

O'zbekistondagi mazkur institut, xususan, Parlament huzuridagi Inson huquqlari bo'yicha vakil (ombudsman) instituti O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti tashabbusi bilan O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining birinchi chaqiriq, birinchi sessiyasida tashkil etildi va 1995-yil 6-mayda Oliy Majlis qaroriga binoan uning huzurida Vakilning inson huquqlari borasidagi vazifalarni namunali amalga oshirishiga ko'maklashish uchun fuqarolarning konstitutsiyaviy huquqlari va erkinliklariga rioya qilish Komissiyasi tashkil etildi. Vakil va Komissiya faoliyati Oliy Majlisning 1995-yil 29-avgust Qarori bilan tasdiqlangan Oliy Majlisning Inson huquqlari bo'yicha vakili (ombudsman) to'g'risidagi Nizom bilan tartibga solingan.

Muhim bir jihati shundaki, Ombudsman instituti davlat organlari va jamiyat a'zolari o'rtasida mustahkam ijtimoiy-huquqiy ko'priq vazifasini o'tab beradi.

³ Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). А.Азизхўжаев, О.Ҳусанов, Х.Азизов. - Т., “Академия”. 2001. - Б. 75.

⁴ А.А.Сарабеков. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш. Рисола -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –Б. 79.

Ombudsmanning faoliyati, vakolati hamda uning huquqiy maqomi “O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi inson huquqlari bo‘yicha vakili (ombudsman)” to‘g‘risidagi Qonunda o‘z ahamiyatini topgan.

O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisning Inson huquqlari bo‘yicha vakili (ombudsman) mansabdor shaxs bo‘lib, unga davlat organlari, korxonalar, muassasalar, tashkilotlar va mansabdor shaxslar tomonidan inson huquqlari hamda erkinliklari to‘g‘risidagi qonun hujjatlariga rioya etilishi ustidan parlament nazoratini ta‘minlash vakolatlari berilgan. Vakil (ombudsman) instituti inson huquqlari va erkinliklarini himoya qilishning mavjud shakllari hamda vositalarini to‘ldiradi.

Vakil O‘zbekiston Respublikasining inson huquqlari to‘g‘risidagi qonun hujjatlarini takomillashtirish va ularni xalqaro huquq normalariga muvofiqlashtirishga, xalqaro hamkorlikni rivojlantirishga xizmat qiladi, fuqarolarning inson huquqlari sohasidagi ijtimoiy ongini oshirishga ko‘maklashadi. Vakil O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Qonunchilik palatasi va Senati tomonidan besh yil muddatga saylanadi va Vakil lavozimiga nomzod O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan kiritiladi¹.

Inson huquqlari bo‘yicha vakil o‘z faoliyatida O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, qonunlari, boshqa qonun hujjatlariga, O‘zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalariga, shuningdek, xalqaro huquqning umume’tirof etgan prinsiplari va normalariga asoslanadi. Vakil o‘z vakolatlarini mustaqil hamda davlat organlari va mansabdor shaxslarga tobe bo‘lmagan tarzda amalga oshiradi va O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga hisob beradi.

Oliy Majlisning Inson huquqlari bo‘yicha vakili (ombudsman) o‘z faoliyatini olib borishda uning faoliyatini tartibga soluvchi qonungagina emas, balki boshqa normativ-huquqiy hujjatlarga ham asoslanadi. Bunday hujjatlar qatoriga Kotibiyat faoliyati to‘g‘risida Nizom, Vakil qoshidagi Inson huquqlari va erkinliklariga rioya etish Komissiyasi Reglamenti, Oliy Majlisning Inson huquqlari bo‘yicha vakili (ombudsman) to‘g‘risidagi Nizom kabilar kirib, bular Vakil faoliyatining barcha yo‘nalishlarini batafsil belgilab beradi.

O‘z o‘rnida, Inson huquqlari bo‘yicha vakil (ombudsman) fuqarolar huquqlarining beg‘araz va insonparvar himoyachisidir: u inson huquqlari buzilganligi to‘g‘risidagi shikoyatlarni ko‘rib chiqadi va tekshiradi, ayrim

туғрисида”ги Қонуни. 2004 йил 27 август. <https://lex.uz/docs/276159>.

tashkilotlar va mansabdor shaxslar yo‘l qo‘ygan xatoliklarni tugatish yuzasidan tadbirlar tavsiya qiladi, fuqarolarning huquqlari tiklanishiga yordamlashib, inson huquqlarining jiddiy ravishda buzilishiga sababchi bo‘lgan shaxslarni qonunga binoan javobgarlikka tortish to‘g‘risida tavsiya qilishga ham haqlidir⁵.

Vakilning jamiyatda tashviqot va tashviqot olib borish faoliyati ham o‘ziga xos jihatlariga ega. U jamiyat a‘zolari – jamoaning huquqlari va Ombudsmanning faoliyati, uning inson huquqlarini himoya qilish tizimidagi o‘rni va ahamiyati bilan tanishtirib borish bilan bir qatorda, jamiyat va insonlarda huquqiy madaniyatni rivojlantirishni ta‘minlashga katta hissa qo‘shishi muhim hisoblanadi.

Bundan tashqari, inson huquqlariga rioya qilishning xususiyatlari to‘g‘risida xalqaro va respublika ilmiy-amaliy tadbirlari, konferensiya va forumlar, seminarlar tashkil qilish va o‘tkazishga tashabbuskor va mas‘ulligi bilan ajralib turishi bugungi yangi islohotlar jarayonida mamlakatda inson huquqlari bo‘yicha vakilning zaruriy va zamonaviy faoliyat mezonlariga aylanib boradi.

Muhim bir jihati shundaki, bugun Ombudsman instituti davlat organlari va jamiyat a‘zolari o‘rtasida mustahkam ijtimoiy-huquqiy ko‘prik vazifasini o‘tab beradi, bu ko‘prik qanchalik mustahkamligi, jamiyatda inson huquqlarining ta‘minlanish sifat va samaradorligi oshishiga xizmat qiladi.

Zero, demokratiyaning inson huquq va erkinliklarining ustunligi kabi muhim belgisining haqiqiy tafsiloti va mazmunini aniqlash, fuqarolar huquqlarini davlat tomonidan himoya qilish va amalga oshirish uchun shart-sharoitlar yaratish Ombudsmanning vazifasi hisoblanadi.

Hozirgi vaqtda respublikamizda inson huquqlariga rioya qilish va himoyalash masalalari bilan shug‘ullanuvchi bir necha idoralar mavjud. Ulardan ikkitasi qonun chiqaruvchi, bittasi ijroiya va yana biri nohukumat organidir. Masalan, 1996-yilda esa Oliy Majlis huzurida amaldagi qonunchilik monitoringi instituti tashkil qilindi. O‘sha yili O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoniga ko‘ra Respublika inson huquqlari bo‘yicha Milliy markaz tuzildi. Ya‘ni, Markaz O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 1996-yil 31-oktabrdagi

⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази расмий веб-сайти: <http://insonhuquqlari.uz/uz/menu/natsionalnye-instituty>.

Farmoniga muvofiq tashkil etilgan⁶.

Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi xalqaro huquqning inson huquqlari va erkinliklari sohasida umume'tirof etilgan prinsiplari va meyorlarini, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qoidalarini va qonunlarini, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlarini, davlat siyosatini amalga oshirish bo'yicha davlatga qarashli tahlil, maslahat, idoralararo muvofiqlashtirish organi hisoblanadi.

Ushbu markaz inson huquqlarini himoya qilishda aloqador bo'lgan barcha davlat va nodavlat organlarining faoliyatini tartibga solish maqsadida tashkil etilgan.

Markazning asosiy maqsadi esa – ustuvor vazifalarni har tomonlama hal etish yo'li bilan Inson huquqlari va erkinliklarini himoya etishning ko'p jihatli tizimini ishlab chiqish va hayotga tadbqiq etish, jumladan: inson huquqlari sohasidagi qonunchilikni takomillashtirish; huquqiy yordam ko'rsatish va inson huquqlarini sud yo'li bilan himoya qilish; inson huquqlarini suddan tashqari himoya qilish tizimini yaratish; turli toifadagi shaxslar huquqini himoya qilish strategiyasini ishlab chiqish, qolaversa, nohukumat huquqni himoya etish tashkilotlari faoliyatlarining samarali shakllarini rivojlantirish; inson huquqlariga rioya qilish kafolati sifatida axborot olish erkinligini ta'minlash; ijro hokimiyati doirasidagi vazirliklar, qo'mitalar, idoralar va muassasalarni inson huquqlari sohasidagi faoliyatini muvofiqlashtirish va hokazo.

Markaz o'z faoliyatini amalga oshirishda qator xalqaro tashkilotlar bilan, xususan, BMT, YEXHT, TESIS, YUNESKO, AQSH, Fransiya, Angliya, Italiya elchixonalari, qator xalqaro nohukumat tashkilotlar va boshqa xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlik qilmoqda.

Mazkur ishlarning mantiqiy davomi sifatida Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi faoliyati samaradorligini oshirish va inson huquqlari sohasidagi O'zbekiston Respublikasining xalqaro majburiyatlarini bajarishning ta'sirchan tizimini yaratish maqsadida 2018-yil 10-dekabrda, inson huquqlari sohasida ilmiy-huquqiy bazaning tizimli shakllantirilishini tashkil etish, BMTning Inson huquqlari bo'yicha Kengashida O'zbekiston Respublikasining a'zolicini samarali amalga oshirish doirasida

⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази расмий сайти: <https://insonhuquqlari.uz/> uz/menu/zadachi-i-funksii-.

2022-yil 25-marta «Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi faoliyatining moddiy-texnika ta'minotini yanada yaxshilash to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarorlarining qabul qilinishi⁷ Milliy markaz faoliyatini yanada takomillashtirishga qaratilgan ishlarning me'yoriy asosi deyish mumkin.

Bundan tashqari, O'zbekiston taraqqiyotining yangi bosqichida Bola huquqlari bo'yicha vakili (Bolalar ombudsmani) faoliyati tashkil etilganligi o'ziga xos ham huquqiy, ham siyosiy ahamiyat kasb etmoqda.

Mamlakatimizda bolalar huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilishning huquqiy asoslarini tubdan takomillashtirish, bolalar orasida nazoratsizlik va huquqbuzarliklar sodir etilishining barvaqt oldini olish, nogironligi bo'lgan bolalar va ota-ona qaramog'idan mahrum bo'lgan bolalarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash maqsadida Bolalar ombudsmani instituti ta'sis etildi.

Bugungi kunda bolalarning huquqlarini himoya qilish, ularning qonuniy manfaatlarini ta'minlashda dunyoning saksonga yaqin mamlakatlarida Bolalar ombudsmani faoliyat yuritadi. Ularning asosiy vazifasi "Bola huquqlari to'g'risida"gi konvensiya qoidalarini qonunchilikka tatbiq etish, bolaning shaxsi, sha'ni, qadr-qimmati, huquq, erkinlik va qonuniy manfaatlari himoyasiga butun jamiyat va davlatni faol jalb etishdan iborat.

Ko'pgina xorijiy mamlakatlarda Bolalar ombudsmani faoliyati maxsus qonunlar bilan tartibga solinadi. Xususan, Polshada "Bola huquqlari bo'yicha ombudsman to'g'risida" (2000-yil 6-yanvar); Irlandiyada "Bolalar bo'yicha ombudsman to'g'risida" (2002); Fransiyada "Bola himoyachisi to'g'risida" (2000-yil 6-mart); Shvetsiyada "Bolalar ombudsmani to'g'risida" (1993-yil 1-iyul) qonunlar bunga misol bo'ladi.

Mamlakatimizda bu yo'nalishda o'tgan yillarda izchil chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Ayniqsa, so'nggi yillarda jamiyatimizning boshqa sohaları kabi bu jabhadagi ishlar ham yangi bosqichga ko'tarildi. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2021-yil 11-avgustda qabul qilingan *"Bola huquqlarining kafolatlarini ta'minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-*

⁷Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази расмий сайти: <https://inson.huquqlari.uz/uz/menu/zadachi-i-funksii->.

tadbirlari to'g'risida"gi farmon asosida Bolalar ombudsmani mustaqil institut sifatida ish boshladi⁸.

Bolaning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini, uning sog'lom turmush tarzini ta'minlash, bolalarning jismoniy, intellektual, ma'naviy va axloqiy kamol topishiga ko'maklashish, bolaning ota-ona qaramog'idan mahrum bo'lishining oldini olish choralari ko'rish, bolalar o'rtasida nazoratsizlik va huquqbuzarliklar profilaktikasi sohasida davlat dasturlari va boshqa dasturlar ishlab chiqilishini hamda amalga oshirilishini, shuningdek, ularning ijrosi ustidan nazoratni tashkil etish va bolalarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish borasida ko'rilayotgan choralarni baholash, monitoring qilish va samaradorligini oshirish Milliy komissiyaning asosiy vazifalari etib belgilab qo'yildi¹. Bu boradagi yana bir muhim hujjat - O'zbekiston Respublikasi "O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining "Bola huquqlari bo'yicha vakili (Bolalar ombudsmani) to'g'risida"gi Qonun kuchga kirdi. Mazkur qonunning 2-moddasiga ko'ra, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Bola huquqlari bo'yicha vakili (Bolalar ombudsmani) O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Bola huquqlari bo'yicha vakili (Bolalar ombudsmani) mansabdor shaxs bo'lib, u davlat organlari, shu jumladan huquqni muhofaza qiluvchi va nazorat qiluvchi organlar, shuningdek korxonalar, muassasalar, tashkilotlar hamda mansabdor shaxslar tomonidan bola huquqlari to'g'risidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan parlament nazoratini amalga oshiradi.

Shuni ta'kidlash lozimki, mazkur institutlar tom ma'noda inson huquqlarini himoya qiluvchi o'ziga xos fuqarolik jamiyati institutlari hisoblanishadi.

Bugungi kunda aynan hukumatga qarashli bo'lmagan tashkilotlar, xususan, shaxs huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishga qaratilgan ijtimoiy huquqni o'rganish va huquqiy yordam ko'rsatish markazlarining ildam harakat olib borishi inson huquqlarning jamiyatda himoya qilinishini ta'minlaydi.

Zero, NNT hozirgi kunda demokratik qadriyatlar, inson huquq va erkinliklari hamda qonuniy manfaatlarini himoya qilishning muhim omiliga aylanmoqda, bu

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 09.08.2021 йилдаги ПФ-6275-сон. <https://lex.uz/docs/5570490>.

tashkilotlar orqali fuqarolar ijtimoiy faolliklarini ko'rsatishmoqda, siyosiy va huquqiy madaniyatini oshirish uchun sharoit yaratilmoqda, davlat va nodavlat tashkilotlari o'zaro hamkorligi, ijtimoiy integratsiyasida inson manfaatlari va huquqlari masalasi ham birlamchi planga olinmoqda.

Umuman olganda, mazkur institutlarning mamlakatda fuqarolik jamiyati amal qilishi uchun inson huquqlari va erkinligi himoya qilishini ko'mak beruvchi milliy institutlar maqomini mustahkamlab boradi. Ya'ni, NNTdan tashqari, mazkur milliy vakillik institutlari inson huquq va erkinliklarini himoya qilish, shu maqsadni olg'a surishda samarali harakat olib boruvchi, yagona va birlamchi siyosatning siyosiy-huquqiy dirayveri bo'lishi muqarrardir.

PEZIOME

Mazkur maqolada inson huquqlari va qonun ustuvorligini himoya qilish, fuqarolar huquqiy madaniyatini rivojlantirish maqsadini ko'zlagan hamda davlat, jamiyat va fuqarolar manfaatlarini uyg'unlashtirish orqali fuqarolik jamiyatini rivojlantirishni o'z faoliyatining asosiy mezon sifatida ko'radigan davlat boshqaruv organlari bilan bir qatorda, milliy institutlar faoliyati ham rivojlanib borayotganligi, ularning siyosiy va me'yoriy asoslari tahlil qilingan.

В данной статье с органами государственного управления, которые направлены на защиту прав человека и верховенства закона, развивают правовую культуру граждан и главным критерием видят развитие гражданского общества через гармонизацию интересов государства, общества и граждан. своей деятельности. кроме того, развивается и деятельность национальных институтов, анализируются их политические и нормативные основы.

In this article, with the state management bodies that aim to protect human rights and the rule of law, develop the legal culture of citizens and see the development of civil society literally by harmonizing the interests of the state, society and citizens as the main criterion of their activity. in addition, the activity of national institutions is also developing, their political and normative foundations are analyzed.

Мунира УМАРОВА,
МОИ Махсус-касбий фанлар кафедраси ходими

**МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА
ҚЎЙИЛАЁТГАН ЎЗИГА ХОС ТАЛАБЛАР**

*Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда
ходимларнинг жанговар, касбий, жисмоний
тайёргарлик масалалари жуда муҳим ҳисобланади.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Маълумки, айрим ҳолатларда ички ишлар идоралари ходимлари касбий фаолиятида камчиликлар ва муаммолар учраб туриши мумкин. Касбий ҳолатларнинг содир бўлиши турли шахслар билан бевосита ва билвосита мулоқот жараёнларидаги индивидуал психологик хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлиб, уларнинг муайян малака ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашда ўта муҳим психологик ва жисмоний жиҳатдан тайёр бўлиши лозим.

Шу боис ҳам мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев таъкидига кўра, «*Ички ишлар органлари учун барча даражадаги раҳбарларнинг малакасини ошириш ва мақсадли тайёрлаш тизимини ташиқил этиши*»нинг асосий ва бош мақсади ички ишлар органлари Малака ошириш институти томонидан самарали тарзда амалга оширилаётгани, албатта, жамоамиз профессор-ўқитувчилари ҳамда улкан малакавий касбий тажрибага эга ходимларимиз фаолияти алоҳида эътироф этилади ва эътиборга олинади. Уларнинг фидойи, Ватанига, халқига, Президентига садоқати, юртдошлари, сафдошлари бажараётган иш учун юқори даражада жавобгарлик ҳиссининг мавжудлиги, билимларини чуқурлаштириш йўлида тинимсиз изланиши, ўрганиш ва имкониятини қўлдан бой бермайдиган, ўз шахси устида ижодий ишлашни, халқ осойишталиги, фаровонлиги йўлида хизмат бурчини аъло даражада адо этишни, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз бурчи деб тан олган мутахассис кадрлар тайёрлашдаги ҳозирги фаолияти энг муҳим вазифа, топшириқ ва талаб ҳисобланади.

Шу ўринда ички ишлар ходимлари фаолиятидаги ўзига хос психологик, билиш, ташкилий коммуникатив, конструктив ва бошқа талабларга назар ташлайлик.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг муҳим психологик жиҳатлари – бу ижтимоий билиш, ишончлилик, инновацион ташаббускорлик, изланувчанлик, тадбиркорлик ҳолатлари билан ажралиб туради. Улар ички ишлар ходимининг олийжаноб, шу билан бирга масъулият ила бурчли ишида муваффақият гарови бўлиб, тажриба, ўқув, илмий, малакавий ва шахсий хусусиятларида ўз ифодасини топади. Айни пайтда фаолият турларини самарали тарзда амалга ошириш учун ходимдан касбга хос ҳиссий хусусиятларнинг мавжудлиги катта аҳамият касб этади.

Фаолиятнинг ижтимоий билиш жиҳати – турли шахслар билан мулоқот ўрнатишга кўп тўқнаш келишини инобатга олган ҳолда танланган йўналишда ҳам маҳаллий, ҳам хорижий илғор технологияларни ўрганиш, бир ерда тўхтаб қолмаслик, изланувчанлик, сўзамоллик, миллий тарбиявий ишларни олиб бориш қобилиятини шакллантириш зарурати асосида вужудга келади.

Билиш фаолиятини амалга оширмай туриб фуқароларни ахлоқан тузатиш мақсадига эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ички ишлар ходими билиш жараёнлари натижасига кўра, ҳаракатларини мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириши мумкин. Ижтимоий билиш ходимнинг келгуси фаолиятида самарали меҳнат қилиши учун талаб этиладиган билим ва кўникмаларни эгаллаши, ҳамда тажриба орттириши жараёнидир. Ижтимоий билиш жараёнида шахснинг ақлий интеллектуал хусусиятлари етакчи вазифани бажаради. Сунъий интеллект ходимнинг **ақлий фаолият хусусиятлари** ривожланганлиги – амалий онг талабларига жавоб бериши билан белгиланади. Амалий онг талаблари ходимнинг зукколик, зийраклик, хушёрлик билан кузатувчанлиги, воқеликнинг алоҳида қисмларига эътибор қаратиши, масаланинг ечимини топишда ишнинг қисман ва бутун ҳолича аҳамиятини белгилай олиши, фикрлашдан фаолиятга ва ундан яна фикрлаш жараёнларига тез қайта олиш хусусиятларини ўз ичига қамраб олади.

Ходимнинг **ахлоқий жиҳатлари** фуқаролар билан бўлган муносабатларда, халқ олдидаги тартиб интизоми ҳамда ахлоқи билан

намуна бўлган тақдирдагина жиноятчиларга ўз таъсирини ўтказа олишида намоён бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, тартиб-интизомлилик хусусиятини шакллантириши ва мустаҳкамлаши зарурияти туғилади.

Фаолиятнинг ташкилий ҳолати – иродали бўлиш ўзини тута билиш, бошқа шахсларни ҳам қўллаб-қувватлаш, аҳоли ёрдамидан унумли фойдаланиш, муҳими, ички ишлар ходими кўпроқ ташкилотчилик фаолиятини амалга оширишда, кимга, қачон, қандай ёрдам бериши аниқ ва тўғри зарурий шароитдагина юзага келади. Ташкилий фаолият ходимнинг вужудга келган масала ҳамда вазият юзасидан ташкилотчилик қобилиятида, ишни ижодий равишда юритишда, гуруҳ аъзолари фаолиятини ташкиллаштириб беришида намоён бўлади.

Ташкилотчилик қобилияти ички ишлар ходими фаолиятининг самарасини белгиловчи муҳим хусусият ҳисобланади. Ташкилотчилик асосида шахсий хусусиятлар ҳамда касбий билим ва тажриба келиб чиқади. Ташкилотчилик бу инсонларни фаолиятда жамлай олиш, яъни умумий кизиқишлар асосида вазифаларни белгилаш ва жорий қилишдир.

Ташкилотчилик қобилиятининг асоси *ҳиссий-руҳий сезгирлик* саналади, яъни инсон руҳиятини тез ва аниқ англаш, субъектив хусусиятларини аниқлай олиш – ҳамдардликда, ўзини бошқанинг ўрнига қўйиб кўриш, ўзи ва атрофдагиларнинг хулқ-атворини тушуна олишида намоён бўлади. Шунингдек, инсоннинг қалби ва юрагига, кўнглига йўл топиш, керакли оҳанг ва усулда гаплашиш, муносабатларни касбий хулқ-атвор меъёрлари асосида олиб боришни талаб қилади.

Ташкилий фаолиятда асосий диққат-эътибор инсон психик жараёни хусусиятларининг муҳим аҳамияти ҳисобга олинади. Иш вақти, куни, соатини самарали ташкиллаштириш, ташкилотчилик, ақлий ревизия, экспертиза, кўриб чиқиш ва тинтув ишларини ташкил эта олиш, бирон жиной иш юзасидан тўпланган ҳамкор гуруҳлар ишини ташкиллаштиришда жуда фаол ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқдир.

Фаолиятнинг ишонарли ҳислати – фуқаролар билан тарбиявий профилактика ишларини олиб боришда асосий воситалардан бири. Ўзбекистон Республикаси конституцияси ва қонун талаблари ҳамда жамиятда ҳаёт тарзи шароитида қабул қилинган хулқ-атвор ҳамда тартиб қоидаларига риоя этиш, шунингдек, билим ва маданий салоҳиятни

оширишга интилиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган фаолият тури бўлиб, асосан, шахсинг иродаси, қатъиятли хусусиятлари яхши ривожланганда муваффақиятли равишда амалга ошади.

Ходим ўз хизмат вазифаси ва бурчини бажариш вақтида айтган ҳар бир мантиқли сўзи, ҳаракати билан халқ онгида давлат сиёсатини шакллантиради. Шундай экан, ишонарли фаолиятни шакллантириш учун бўлажак ходимдан қатъиятлилиқ тартиб-интизом, ўз шахсига нисбатан талабчанлик, мардлик жасурлик ва матонат ҳамда одиллик ва самимийлик хусусиятлари талаб этилади.

Фаолиятнинг коммуникатив шакл-шамойили – одамлар билан мулоқот ва машварат ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлашга асосланади. Ички ишлар ходимлари ҳар қандай вазиятда фуқаролар билан яхши ва эзгу муносабат ўрнатишга, уларда яхши таассурот уйғотишга интилиши керак. Бу албатта, осон эмас. Чунки инсонлар турлича дунёқараш ва ёндашишлар (*дўстона, талабчан, ҳушёр ёхуд ғаламислик, тажовузкорлик, қўпоровчилик каби хусусиятлар*)га эга бўладилар. Улар билан алоқа, мурожаат ўрнатганда илиқ муносабатда бўлиш, ҳурмат, эътибор қозонишга ҳаракат қилиш лозим. Ходим ўз ҳудудида рўй берадиган барча хуш-нохуш вазиятлар иштирокчиси бўлади, турли-туман фуқаролар билан тўқнаш келади, самарали ишлаш, фаолият юритиш учун эса уларнинг яшаш шароити, ўзаро муносабатлари, қизиқиши ва хатти-ҳаракатларини ўрганиши лозим. Коммуникатив фаолиятда ходимнинг нутқи ва мулоқот хусусиятларининг раво ва яхши ривожланганлиги катта аҳамият касб этади. Ҳиссиётларини бошқара олиш, самимий ва оддий мулоқот ўрнатиш, табиийлик, ҳиссиётларини назорат қилиш, киришимлилиқ, керакли маълумотларни ўз вақтида олиш, уларнинг фикри: яъни ғоявий, мафкуравий қарашларини керакли томонга йўллаш хусусиятларида намоён бўлади. Ички ишлар идоралари ходимларининг фаолияти ўз хусусиятига кўра, инсонлар билан бевосита мулоқот юритиш асосида шаклланадиган фаолият тури ҳисоблангани учун ҳам ҳар бир ходимнинг коммуникатив хусусияти муҳим ўрин эгаллайди.

Коммуникатив хусусият ходимда муомала, ахлоқ, инсонларни ўзига бўйсиндириш, ўзига қарата олиш маҳоратида намоён бўлади. Муомала вақтида ходим ўзини тутиши, атрофдагиларга бўлган муносабати ҳамда

ижтимоий муносабатлар тизимини давлат номидан иш олиб боришига тақалади.

Фаолиятнинг конструктив жиҳати содир этилаётган жиноятларни очиш, улар олдини олишга қаратилган тарбиявий-профилактик ишларни режалаштириш билан бир қаторда жиноий иш ва материални тез уқиб олиш, ижобий ва салбий томонларини моделлаштириш, кундалик фаолият ва кун тартибини режалаштириш борасидаги тафаккур фаолияти тушунилади. Тафаккур фаолиятида муайян вазифани бажариш учун қўшимча нарсаларни аниқлаш ва топиш керак, деган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинса, конструктив ҳолатда эса билиш фаолиятининг босқичлари режалаштирилади, яъни номаълум нарсани қандай кетма-кетликда излаш кераклиги ҳақидаги саволга жавоб изланади ва топилади. Бошқача айтганда, ички ишлар ходимининг конструктив фаолияти яхлит фикрлаш жараёнининг турли босқичларини ифодаловчи икки томонидир. Конструктив фаолият муваффақияти шахсдаги истиқболли жараёнлар (*идрок, тасаввур, хаёл*)нинг ривожланганлик даражаси билан белгиланади.

Фаолиятнинг изланувчанлик ҳолати — жиноятчилик изидан боришдаги жанжал, келишмовчилик вазиятларида, айбланувчиларни қидиришда, олинган нотўғри ахборотни таҳлил қилишда мавжуд маълумотларни текшириб, ўрганиб, хулоса чиқариб, ҳал қилиш жараёнида керак бўлади. Изланувчанлик фаолияти ходимдан ўз устида тинимсиз ишлашни, янгиликлар, илм-фан тараққиётидан хабардор бўлиши ва касбий маҳоратини ошириб, тажриба орттиришни талаб қилади. Процессуал ҳужжатларни туза олиш, оғзаки нутқни ёзмага тез кўчириш, компьютерда ишлаш, пухта ёзиш, техник воситалардан тезроқ фойдалана билиш кўникмаларининг ривожланганлигида кўринади.

Ходим нафақат фаолияти давомида ҳақ бўлмоғи, балки ўз талабларининг адолатли ва инсонпарварлик руҳида эканлигини тарғиб қилиш орқали халқ манфаатларининг ҳимоячиси, давлат сиёсатини амалга оширувчи субъект сифатида фаолият юритиши талаб этилади. Бу эса шахсдан маълум даражада миллий ва руҳий билимларни шакллантириш ҳамда аниқлаш ва такомиллаштиришни тезлаштиради.

Малакавий касбга нисбатан шахсда мавжуд хусусиятлардан унумли фойдаланиш ҳақида айрим алломаларимиз, хусусан тиб илмининг отаси Абу Али ибн Сино «**Тарбия ва миждоз**» китобида: *«Касб танлаш ёки унга йўналтириш ишлари ҳар бир шахснинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташиқил қилиниши зарур»*, – деб қайд қилган.

Шундай қилиб, ички ишлар идоралари ҳар бир ходимининг индивидуал иш тажрибаси бир-биридан фарқ қилса-да, улар биргаликдаги фаолиятларида умумий руҳий ҳолатларга (*умумий қизиқиш, ҳамфикрлик, анъаналар, яқдил муносабатлар*) асосланадилар.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий, иродавий, ҳиссий ва интеллектуал (ақлий) хусусиятлари фаолиятнинг самарадорлик кўрсаткичини оширишда бевосита аҳамиятга эга миллий хусусиятлар ҳисобланади. Ходимнинг **шахсий хусусиятлари** ичида руҳий барқарорлик, ҳиссий турғунлик, ақлий-инсон капиталидаги илғорлик, иродалик, коммуникативлик хусусиятлари етакчи вазифани бажаради. **Ҳиссий хусусиятлари эса** ўз кучи ва маҳоратига ишониш, жиноятчиликка қарши кураш жараёнида учраши мумкин бўлган объектив ва субъектив тўсиқларни енгилш учун ўз ҳиссиётларини бошқара олиш, ижтимоий тенглик ва қонун ғалаба қозонганида қониқиш ҳиссини сезиш кабиларда намоён бўлади.

Ҳуқуқий маданият – умуминсоний қадриятлар мезони. Айнан шунинг учун қонунни муҳофаза қиладиган ходимлар биринчи ўринда ўзлари қонунга итоат этишлари ва бу борада бошқаларга ўрнак бўлишлари лозим. Шу мақсадда ходимларни тарбиялаш ҳамда касбий ва ҳуқуқий билимларини оширишда Ички ишлар вазирлигининг буйруқ, низом, кўрсатмаларига қатъий риоя этиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кўксарой қароргоҳида ўтказилган ифторлик маросимидаги нутқида қайд қилди: *“Муқаддас динимиз буюрган хайрли амаллар – аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, меҳр-саҳоват, сабру қаноат, ахлоқ-одоб, илму маърифат фазилатлари жамиятимизда тобора мустаҳкам бўлиб бормоқда. Хусусан, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур ўрганиш, буюк тарихимиз дурдоналари, улуг алломаларимизнинг бой меросини тўплаш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор берилмоқда...*

Жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида нуфузли халқаро анжуман ўтказамиз. “Декларациялар мулоқоти форуми” деб номланган бу йирик тадбир 2022 йили Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб ўтган анжуманнинг мантиқий давоми бўлиб, турли диний эътиқод вакиллари ўртасида ўзига хос маърифий мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда яна таъкидлаб айтмоқчиман: мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик – бизнинг энг катта бойлигимиздир.”¹

Ўйлаймизки, малакали кадрлар тайёрлашнинг асосий мезонларидан бири мулоқот майдони эканлигини унутмаслик ҳамда улар фаолиятидаги асосий вазифа ва мақсад деб қараш керак.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг муҳим психологик ҳолатлари, хизмат фаолиятини олиб боришга қўйиладиган талаблар, ходимнинг шахсий хусусиятлари ёритилган.

В данной статье рассматриваются важные психологические аспекты деятельности сотрудников органов внутренних дел, требования к выполнению служебных обязанностей, личностные особенности сотрудника.

This scientific article examines important psychological aspects of the activities of employees of internal affairs bodies, requirements for the performance of official duties, and personal characteristics of an employee.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Кўксарой” қароргоҳида ўтказилган ифторлик маросимидаги нутқидан. Янги Ўзбекистон. 2025 йил 26 март.

Музаффар САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ академияси магистранти

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АСОСИДА ЖИНОЯТ ИШИНИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Айрим хорижий давлатлар билан мамлакат терговчилари ва суриштирув органлари орасидаги ҳамкорлик жиноятчиликнинг глобаллашувига қарши ҳамда трансмиллий жиноятлар билан курашишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда трансмиллий жиноятчилик ёки кўп давлатларни қамраб олган жиноятлар жаҳон миқёсида жуда кенг тарқалган. Ушбу жиноятлар билан курашиш учун давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ўта муҳим. Бундай жиноятлар кўп ҳолатларда бир давлатнинг чегарасини бошқа давлат кесиб ўтади?! Хорижий давлатлар ваколатли органлари билан тергов ва суриштирув органларининг ҳамкорлиги жиноятчиларнинг ўз манфаатлари йўлида давлат чегараларидан ноқонуний фойдаланишларини чеклашда муҳим восита ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **“Ташқи сиёсат”** деб номланган IV-боби 18-моддасида: *“Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширади.*

Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатларидан, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ҳамда улардан чиқиши мумкин”¹ лиги қайд этилган.

Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, наркотрафик, одам савдоси, ҳамда, Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этиб, хорижий давлатларда юрган шахсларни ушлаш, шунингдек, хорижий давлатларда жиноят содир қилиб, Ўзбекистон Республикасида ушланган шахслар бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишда бу борада махсус тузилган халқаро ташкилотларнинг ҳамда хорижий давлатлар ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти катта.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., – 2023 – “Ўзбекистон”. 8-бет.

Терговчи ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда – ЖПК)нинг: “Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг тартиби тўғрисидаги асосий қоидалар”, – деб номланган бобида батафсил баён этилган. Унга кўра, терговчи ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкинлигини кўриш мумкин:

- Процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш тўғрисида сўров юбориш;

- Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гувоҳ ва жабрланувчини, экспертни, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни, уларнинг вакиллари чақириш;

- Жиноят иши материалларини хорижий давлатнинг ваколатли органига юбориш;

- Жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиш йўналишларида олиб борилади.

ЖПКда назарда тутилган процессуал ҳаракатларни айрим хорижий давлат ҳудудида бажариш зарур бўлганда қонун фақат иккита асосда бундай мазмундаги сўровлар билан хорижий давлат ваколатли органларига мурожаат қилиш мумкинлигини белгилаган. Демак, бундай турдаги сўровномалар **Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида** амалга оширилиши мумкин.

Конвенциялар қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирларига кўра, терговчи ва суриштирув органлари ЖПКда белгиланган процессуал ҳаракатларни бажариш ҳақидаги сўровлардан ташқари, қуйидаги масалаларда хорижий давлатларнинг ваколатли органларига сўровномалар юбориши мумкин. *Жумладан:*

- топшириқни ижро қилиш жараёнида ҳукукий ёрдам сўраётган давлатнинг ваколатли вакиллари иштирок этиши ҳақидаги илтимосларни жўнатиш ва кўриб чиқиш;

- жиноий таъқибни амалга ошириш, шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ва (ёки) ҳукмни ижро этиш учун ушлаб бериш;
- дастлабки терговни амалга ошириш билан боғлиқ топшириқлар;
- иш юритувдаги жиноят ишлари билан боғлиқ масалалар;
- суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинадиган процессуал ҳаракатларга тааллуқли бўлмаган иш юритувдаги жиноят ишлари билан боғлиқ масалалар;
- суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинмайдиган процессуал ҳаракатлар билан боғлиқ топшириқни (сўровномани) ижро қилиш жараёнида ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни сўраётган давлатнинг ваколатли вакиллари иштирок этиши ҳақидаги илтимосларни жўнатиш ва кўриб чиқиш;
- аҳдлашувчи томонлар фуқароларининг ҳуқуқларини амалга ошириш учун, зарур бўлганда, жисмоний шахсларнинг рўйхатга олинган жойлари (манзиллари)ни аниқлаш бўйича сўровларни жўнатиш ва кўриб чиқиш;
- шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш бўйича сўровларни жўнатиш ва кўриб чиқиш;
- фуқароликка тегишлиликни аниқлаш бўйича сўровларни жўнатиш ва кўриб чиқиш;
- судланганлик ҳақида маълумотларни тақдим қилиш ва айблов ҳукмлари ҳақида хабар бериш;
- ички ишлар органлари ваколатига кирувчи бошқа масалалар назарда тутилади.

Президентнинг юқорида келтирилган 2020 йил 17 ноябрдаги

ПҚ-4895-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси қўшма тезкор-қидирув гуруҳларини ташкил қилиш ҳамда жиноят ишларини бирлаштириш бўйича илтимосномаларни жўнатиш ва кўриб чиқиш масалалари учун ваколатли орган қилиб белгиланган.

Улар қаторига Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида “*Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида*”га Шартнома (Тошкент, 1997 йил 18 июнь), Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида “*Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида*”ги Шартнома

(Олма-ота, 1997 йил 2 июнь), Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида “Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида”ги Шартнома (София, 2003 йил 24 ноябрь), Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида “Жиноий ишлар юзасидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида”ги Шартнома (Деҳли, 2000 йил 2 май), Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида “Фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида”ги Шартнома (Пекин, 1997 йил 11 декабрь), Ўзбекистон Республикаси ва Литва Республикаси ўртасида “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Шартнома (Тошкент, 1997 йил 20 февраль), Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида “Фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Шартнома (Тошкент, 2002 йил 18 январь), Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги “Жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида”ги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида”ги Шартнома (2007 йил 14 март, Тошкент)ларни киритиш мумкин.

Халқаро шартномалар асосида жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳамкорлик ҳамда бошқа конвенция ва шартномалар асосида амалга оширилади. **Ўзаролик принципи асосида ҳамкорлик бўлса, шартнома асосидаги ҳамкорликдан бироз фарқ қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 25 майдаги “*Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айрим масалалари тўғрисида*”ги 6-сонли қарорида ўзаролик принципи тушунчасига раҳбарий тушунтириш бериб ўтилган. Унга кўра **ўзаролик принципи**, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг бирор-бир хорижий давлат билан ҳуқуқий ёрдам тўғрисида халқаро шартномаси мавжуд бўлмаган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Бунга эҳтиёж бўлганда, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи (Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати) хорижий давлат ваколатли органига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров киритади ва унда ўзига хорижий давлат ваколатли

органининг топшириғи бўйича зарур процессуал ҳаракатларни бажариш юзасидан мажбурият олганлигини ёзма равишда тасдиқлайди, – дейилган.

ЖПКнинг 592-моддаси учинчи қисмига кўра, процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров: умумий юрисдикция судлари томонидан амалга ошириладиган жиноят ишларини юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали; **суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинмайдиган процессуал ҳаракатлар бўйича** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати орқали; қолган ҳолларда — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали юборилади.

Ҳамкорликнинг яна бир муҳим механизми – қўшма тергов гуруҳларидир. Бундай терговларда икки давлат ёки кўп давлатлар ўз тергов органларини бирлаштириб, умумий мақсадга эришиш учун биргаликда иш олиб боришади. Масалан, молиявий жиноятлар, наркотик ёки одам савдолари каби жиноятларда қўшма тергов гуруҳлари ташкил этилади.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада халқаро ҳамкорлик доирасида ҳуқуқ-тартибот органларининг ўзаро алоқалари масаласи таҳлил этилган. Жиноят ишларини юритишда турли давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлари ва уларнинг фаолият йўналишлари очиқ берилган.

В данной научной статье анализируется вопрос взаимодействия правоохранительных органов в рамках международного сотрудничества. Раскрываются правоохранительные органы разных стран и направления их деятельности при ведении уголовных дел.

This scientific article analyzes the issue of interaction between law enforcement agencies within the framework of international cooperation. Law enforcement agencies of different countries and their areas of activity in conducting criminal cases are revealed.

- *Курсантам и слушателям методическая помощь*

Фируза ДЖУРАЕВА,
Студентка 2 курса факультета языков
Шахрисабзского государственного педагогического института

ПОЗНАВАТЕЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КОМПЬЮТЕРА НА ЗАНЯТИЯХ РУССКОГО ЯЗЫКА

В настоящее время компьютерные технологии стали неотъемлемой частью образовательного процесса, существенно повышая его эффективность. За последние пять лет наблюдается интенсивный рост числа детей, владеющих компьютером. По мнению большинства исследователей, эти тенденции будут продолжать развиваться независимо от формального образования. Тем не менее, многие исследования показывают, что большинство детей в основном используют компьютеры для развлечений и знакомы в основном с развлекательными программами. В этот период познавательные аспекты использования компьютера, включая образовательные цели, часто остаются на втором плане и не привлекают особого внимания детей на уроках русского языка.

В большинстве случаев, уроки с использованием компьютеров проводятся учителями информатики, чьи знания о методах эффективного использования компьютерных технологий в различных учебных предметах могут быть недостаточными из-за особенностей их образования. Это препятствует широкому внедрению компьютеров в образовательный процесс и привлекает внимание педагогической науки в последнее десятилетие.

Статистические данные показывают, что количество компьютерных классов в общеобразовательных учреждениях Республики Узбекистан постепенно увеличивается. Например, на начало 2020-2021 учебного года количество школ с компьютерными классами составило 9923, что свидетельствует о росте использования компьютерных технологий в образовании.

Итак, российские и зарубежные ученые внесли значительный вклад в развитие области компьютерных технологий в образовании:

– Для успешного внедрения компьютерных технологий на уроках русского языка необходимо владеть информационной грамотностью. Под данной концепцией мы сейчас имеем в виду гораздо больше, чем просто умение читать и писать, что традиционно ассоциировалось с грамотностью. В современном толковании информационная грамотность охватывает широкий спектр навыков и знаний, необходимых для успешной работы с информацией в цифровой среде. Информационная грамотность играет важную роль в развитии общества и образования сегодня. Это набор навыков и умений, необходимых для работы с различными видами информации, ее представления и использования для решения как теоретических, так и практических задач.

– Один из способов работы с информацией и ее представления для пользователей – использование современных технических средств для производства, хранения и передачи информации. Поэтому важно постоянно совершенствовать эти технологии, внедрять новые методы обработки данных и управления информацией. Развитие системы обучения людей для эффективного использования информационных средств и телекоммуникаций также имеет большое значение. Это включает не только обучение техническим навыкам, но и развитие критического мышления, умения анализировать информацию и делать обоснованные выводы.

– Для успешного освоения информационной грамотности необходимо не только техническое мастерство, но и способность адекватно использовать информацию для достижения целей, взаимодействие с информацией, постоянное обновление знаний в области информационных технологий и развитие компетенций помогают преодолевать информационные препятствия и успешно решать задачи в современном информационном обществе. Подготовка человека к эффективному использованию информационных средств, информации и телекоммуникаций играет ключевую роль в современном информационном обществе. Для успешной адаптации к быстро меняющейся цифровой среде необходимо развивать информационную грамотность, технические навыки и критическое мышление на уроках русского языка.

– Обучение начинается с освоения основных принципов работы с компьютером, программным обеспечением и интернетом. Понимание базовых понятий информационных технологий является фундаментом для дальнейшего развития. Важно уметь эффективно искать, оценивать, выбирать и использовать информацию из различных источников. Помимо технических навыков, необходимо развивать умение анализировать информацию, критически мыслить и делать обоснованные выводы. Обучение должно включать в себя не только техническую сторону, но и развитие способностей к самостоятельному и креативному мышлению. Постоянное обновление знаний, участие в образовательных программах и самообучение помогут поддерживать высокий уровень информационной грамотности и успешно применять полученные навыки в повседневной жизни и профессиональной деятельности.

– Это определяет основные принципы работы на учебных занятиях: обеспечение ученикам прочного и осознанного усвоения основных знаний о процессах обработки, хранения и применения информации, что поможет им понять важную роль информатики в формировании современного научного мировоззрения, значимость информационных технологий и компьютерной техники в современном обществе, а также развитие навыков осознанного и целенаправленного использования компьютеров в их учебной и будущей профессиональной деятельности.

При реализации данных направлений возникают следующие проблемы:

– Обучение учащихся в основном проводится на уроках информатики, но ему уделяется недостаточное внимание. Предоставление всего лишь двух учебных часов в неделю не позволяет достаточно глубоко изучать различные аспекты информатики и завершать работу над ними полностью. Невозможность выполнения домашних заданий обусловлена отсутствием необходимого технического оборудования у учеников;

– Термины, используемые при работе на компьютере, редко находятся в контексте повседневной жизни и не имеют аналогов в реальном мире. Одним из возможных решений этой проблемы на сегодняшний день является оптимизация процесса преподавания и обучения:

– Использование информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) не только на курсах информатики, но и на всех курсах;

- Ознакомление учащихся с различными компьютерными программами и использование их в учебном процессе (Word, электронные таблицы Excel, презентационные программы PowerPoint, системы управления базами данных Access, графические редакторы, аудиоредакторы и т.д.).

- Максимальное использование творческого процесса в учебной деятельности. Работа в учебном заведении предполагает, что учитель постоянно совершенствует методические навыки и осваивает новые технические средства. Применение современных информационно-коммуникационных технологий помогает педагогу выполнять свои обязанности быстро, качественно и эффективно. *Это включает:*
1. Планирование и анализирование учебного процесса; 2. Систематизацию и обобщение информации; 3. Проведение диагностики знаний учащихся; 4. Оформительскую работу и т. д.

Существует пять основных направлений применения информационных технологий в учебной деятельности:

1. Использование ИКТ на занятия и в специализированных курсах.
2. Применение ИКТ при внеурочной деятельности. *3. Использование информационно-коммуникационных технологий в методической работе.*
4. Взаимодействие с классом и родителями с использованием ИКТ.
5. Создание оборудования для учебного кабинета с использованием информационно-коммуникационных технологий. Также использование ИКТ на элективных курсах.

Компьютерная деятельность на уроках русского языка и литературы, и дополнительных курсах направлена на поддержку традиционного обучения и способствует увеличению интереса учащихся к предмету. При этом важно оптимально внедрять электронные устройства в учебный процесс, чтобы это не приводило к нарушению общей логики и эффективности урока. На мой взгляд, учащимся более интересно участвовать на уроках, где используется презентационный материал, включая: проекты, дидактическую информацию, тесты, схемы, таблицы, изображения и вопросы, стимулирующие к размышлениям. Электронные

материалы могут освежить урок, визуально обогатить материал и помочь учащимся лучше усвоить и запомнить информацию. Диагностика универсальных учебных действий (УУД) учащихся с использованием программ (тестирование) - оценка навыков и умений учащихся с использованием специальных программ и тестов. Это позволяет выявить индивидуальные особенности усвоения материала, оценить уровень усвоения знаний и навыков, а также определить необходимость дальнейшей корректировки обучения.

РЕЗЮМЕ

Zamonaviy ta'limni rivojlantirish uchun uslubiy tavsiyalar yaratish, o'qituvchilarni turli ta'lim sharoitlarida kompyuter texnologiyalaridan foydalanishga o'rgatish, o'qituvchilarning raqamli savodxonlik darajasini oshirish muhim ahamiyat kasb etmoqda. O'qituvchilarning zamonaviy raqamli vositalarni ta'lim jarayoniga muvaffaqiyatli integratsiyalashi va o'quvchilarning ta'lim yutuqlari darajasini oshirishi uchun ularning kasbiy tayyorgarligi mazmunini yangilashga e'tibor qaratish zarur.

Для развития современного образования становится крайне важным создание методических рекомендаций, обучение педагогов использованию компьютерных технологий в различных образовательных ситуациях и повышение уровня цифровой грамотности среди учителей. Необходимо уделять внимание обновлению содержания профессиональной подготовки педагогов, чтобы они могли успешно интегрировать современные цифровые инструменты в учебный процесс и повышать уровень образовательных достижений учащихся.

For the development of modern education, it becomes extremely important to create methodological recommendations, train teachers to use computer technologies in various educational situations, and increase the level of digital literacy among teachers. It is necessary to pay attention to updating the content of professional training for teachers so that they can successfully integrate modern digital tools into the educational process and increase the level of educational achievements of students.

М У Н Д А Р И Ж А

ДОЛЗАРЪ МАВЗУЛАР

Mamlakatimiz mudofaa qobiliyatini mustahkamlashda innovatsion texnologiyalar va sun'iy intellektdan keng foydalanish muhimdir.....	4
O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni Ikkinchi jahon urushi qatnashchilarini rag'batlantirish to'g'risida.....	7
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.....	8

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

Даврон КАСИМОВ. Вояга етмаганлар ўртасида пиротехника буюмларидан ноқонуний муомаласи учун айрим жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари..	14
Улуғбек РАСУЛЕВ., Даврон КАСИМОВ. Овчиларни фуқаровий ов қуролига ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.....	26
Feruz MAHMUDOV. Yangi O'zbekistonda "mahallabay" ishlash tizimining mohiyati hamda ayrim falsafiy xususiyatlari.....	31
Qodirjon ATABAYEV. Davlat boshqaruvida ichki ishlar xodimlari kasbiy madaniyatini tarbiyalashning ijtimoiy-falsafiy ahamiyati xususida.....	36
Фирюза МАТЯҚУБОВА. Заҳириддин Муҳаммад Бобур – дилбар шахс.....	41
Шерзод УБАЙДУЛЛАЕВ. Экстремизм ва терроризмга қарши кураш – Давр талаби.....	48
Laziz ISAYEV. Masofaviy ta'limda ayrim xorij davlatlarining ilg'or tajribalari tahliliga doir.....	53

ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

Зухра АЛИЕВА. Шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар.....	64
Sherzod RAYIMOV. ИО хodimining xizmatni o'tashi va tartibga soluvchining ayrim normativ-huquqiy tahliliga doir.....	73
Jasur KENJAYEV. Inson huquqlarini himoya qilish bo'yicha milliy institutlarning ba'zi siyosiy-huquqiy asoslari.....	84
Мунира УМАРОВА. Малакали кадрлар тайёрлашга қўйилаётган ўзига хос талаблар.....	92
Музаффар САИДОВ. Халқаро ҳамкорлик асосида жиноят ишини юритиш бўйича айрим мулоҳазалар.....	99
Фирюза ДЖУРАЕВА. Познавательные аспекты и использования компьютера на занятиях русского языка.....	104

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Малака ошириш институти

АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий
ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

№ 1(14) 2025

Босишга рухсат этилди: 23.04.2025. Буюртма №
Қоғоз бичими 60x84 ^{1/32}. Шартли б. т.-9,0. Адади 100 нусха.
100213, Тошкент ш. Ҳусайин Бойқаро кўчаси 27-А уй